

Шердил ва ўтюррак  
йигитлар миллат  
кўрки, Ватан  
фахридир.

Ислом КАРИМОВ



# Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2012-yil 15-avgust, chorshanba № 65 (8506)

## TAQDIRIMSAN, BAXTIMSAN, ERKIN VA OBOD VATAN!

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг Фармони

**Лондон шахрида бўлиб ўтган  
XXX ёзги Олимпиада ўйинларида  
юксак натижаларга эришган  
спортчиларимиздан бир гуруҳини  
мукофотлаш тўғрисида**

Лондон шахрида бўлиб ўтган  
XXX ёзги Олимпиада ўйинларида  
эришган ютуқлари билан  
Ватанимизнинг халқаро миқёсда  
даги обрў-эътибори ва нуфузи  
ни оширишга қўшган катта ҳис-  
саси учун қуйидагиларга фах-  
рий унвонлар берилсин ва ило-  
вага мувофиқ рағбатлантирил-  
син:

**«Ўзбекистон  
ифтихори»**

**Собиров Ришод Рашидович** —  
дзюдо бўйича Ўзбекистон терма  
жамоаси аъзоси

**Тигиев Сослан Вазноевич** —  
эркин кураш бўйича Ўзбекистон тер-  
ма жамоаси аъзоси

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

Тошкент шаҳри,  
2012 йил 14 август

**«Ўзбекистон  
Республикасида хизмат  
кўрсатган спортчи»**

**Атоев Аббос Абдураззоко-  
вич** — бокс бўйича Ўзбекистон тер-  
ма жамоаси аъзоси

Юртимизнинг спорт соҳасида-  
ги шон-шухратини юксалтириш  
ишига қўшган улкан ҳиссаси,  
Олимпиада ўйинларида юксак  
натижаларга эришгани учун му-  
кофотлансин ва иловага муво-  
фиқ рағбатлантирилсин:

**«Эл-юрт ҳурмати»  
ордени билан**

**Таймазов Артур Борисович** —  
эркин кураш бўйича Ўзбекистон тер-  
ма жамоаси аъзоси

**И.КАРИМОВ**



## ЛОНДОНДА ЯНГРАГАН МАДҲИЯМИЗ

*дунё аҳлига келажаги буюк давлат —  
Ўзбекистон борлигини яна бир бор  
эслатиб қўйди*

Лондонда ниҳоясига етган XXX  
ёзги олимпиада машғаласи ўн  
етти кун (27 июль—12 август) да-  
вомида қизгин курашлар, муро-  
сасиз баҳсларда иштирок этиб,  
ўз имкониятини синаган минглаб  
атлетлар қалбига кўчди. Сайёра-  
мизнинг турли бурчакларидан  
келган ва Буюк Британия пойтах-

тида жамулжам бўлган спортчи-  
ларнинг тўрт йил мобайнида чек-  
кан машаққати, заҳмати баҳо-  
ланди. Бир қатор спорт турлари  
бўйича олимпиада, жаҳон ва  
қитъа рекордлари ўрнатилди.  
Ажойиб ёш иқтидор эгалари  
кашф этилди.

(Давоми 15-бетда.)

## “ЖАҲОН” — ЯНГИ МАРКАЗ

Бухоро вилояти Воб-  
кент тумани марказида  
турли маиший хизмат  
кўрсатиш шохобчаларини  
ўз ичига олган замонавий  
мажмуа иш бошлади.  
“Жаҳон” ёшлар маркази  
давлатимиз мустақилли-  
гининг 21 йиллиги нишон-  
ланадиган қутлуг айём  
арафасида вобкентлик-  
лар учун муносиб тухфа  
бўлди.

Мажмуада ёшлар учун ти-  
кувчилик ва компьютер тўга-  
раклари, маънавий-маъри-  
фий тадбирлар ўтказишга  
мўлжалланган шинам хона-  
лар, тўй маросимлари ва  
тантаналар учун зал ва ки-  
нозал мавжуд. Бу ерда аёл-  
лар ва эркеклар сартарош-  
хоналари, автомобилларга  
техник хизмат кўрсатиш шо-  
хобчаси ҳам ташкил этил-  
ган.

Мажмуанинг ишга туши-  
рилиши ўндан зиёд киши-  
нинг доимий бандлигини  
таъминлаш имконини бер-  
ди.



Суратда: Бухоро вилояти Вобкент тумани марказида иш бошлаган “Жаҳон” ёшлар маркази.

Тоҳир ИСТАТОВ (ЎЗА) олган сурат.

**ГАЗЕТАНИ  
ВАРАҚЛАГАНДА:**

**ИЛМУ  
ФАН  
МАЛИКАЛАРИ**

2 бет

**ЎҚУВЧИ  
ЛИБОСИ —  
ТАРБИЯ  
БЕЛГИСИ**

7 бет

**ЭҲТИЁТ  
БЎЛИНГ,  
SMS!!!**

ёхуд эринчоқ  
ёшларнинг эртаси  
қандай бўлади?

12 бет



# ИЛМУ ФАН МАЛИКАЛАРИ



Муҳтарам Президентимиз Ислон Каримов ўз маърузаларидан бирида «XXI аср интеллектуал бойлик ҳукмронлик қиладиган аср. Кимки бу ҳақиқатни ўз вақтида англаб олмаса, интеллектуал билим, интеллектуал бойликка интилиш ҳар қайси миллат ва давлат учун кундалик ҳаёт мазмунига айланмаса — бундай давлат жаҳон тараққиёти йўлидан четда қолиб кетиши муқаррар», дея таъкидлаб ўтган эдилар.

Дарҳақиқат, барча жабҳалардаги тараққиёт бево-сита илм-фан йўлида не-чоглик дадил одимлар таш-ланаётгани билан боғлиқ-дир. Биз фарзандларимиз-нинг билимли, маърифатли инсонлар бўлишини орзу қилар эканмиз, бу борада, энг аввало, уларни дунёга келтириб, тарбияладиган оналаримизнинг ақл-идрок бобидаги етуқлигига эриш-моғимиз, шу йўлда уларга

ғамхўрлик кўрсатиб, эъти-бор қаратмоғимиз муҳим эканлиги исбот талаб қил-майди. Ҳақиқат эканлиги барчамизга аён. Шукри, истиқлол йиллари бу маса-ла мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўта-рилди. Хотин-қизларимиз-нинг ижтимоий фаоллигини ошириш, илмий тадқиқот олиб боришларига имкони-ят яратиш бобида қатор ижобий ишлар амалга оши-

рилди. 2011 йилги маълумотларга кўра, аёл академиклар 9 нафарни ташкил этса, фан докторлари 700, фан номзодлари 9000 на-фарга етди. Мустақиллик йилларида 1733та доктор-лик иши ҳимоя қилинган бўлса, улардан 320таси, 8459 номзодлик ишининг 3081таси олималаримиз-нинг илмий изланишлари махсулидир. Аёл фан док-торларининг ўртача ёши 45—50, фан номзодларини-ки 30—35 ёшни ташкил эта-ётгани ҳам илм-фан соҳа-сида тадқиқотлар олиб бо-раётган хотин-қизларимиз ёшариб бораётганини кўрсатиб турибди. Яна бир қувончли далил: яратилаёт-ган шарт-шароитлар хотин-қизларимизга илмий иқти-

дорини намоиш этиш учун имкон бераётганининг ис-боти сифатида Швейцари-янинг «СИДО» илмий тад-қиқот ишлари бўйича экс-перт кенгашига табиий фан-лар йўналишида 5, гумани-тар йўналишида 2 нафар фан доктори аъзолига қабул қилинди. Бу каби фактлар-ни кўплаб келтириш мумкин. Асосий масала бу муваффа-қиятларнинг давомийлиги-ни сақлаш, янги-янгидек каш-фиётлар ола бойитиб бо-ришдир!

Маълумки, Зулфия номи-даги Давлат мукофоти таъ-сис этилгандан буён 24 на-фар қизимиз фан, 38 нафа-ри эса таълим соҳасидаги ютуқлари учун мазкур нуфуз-ли мукофот соҳибалари қаторидан ўрин олди. Хўш, улар бугун қандай долзарб мавзулар атрофида изла-ниш олиб боришмоқда? Ортларидан келаётган ёшларни қандай эзгу амал-лар сари ундашда бош бўлишаётди? Уларнинг жа-моатчилик ўртасидаги ўрни қандай? Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси томонидан ташкил этилган илмий кон-ференция ана шу каби мав-зуларга қаратилди.

— Конференциядан кўзланган мақсадлардан бири илм-фан соҳасида фаолият юритаётган раҳ-барлар, мутахассислар би-лан совриндор қизларимиз-нинг мулоқотини ташкил этиш, — деди ўз сўзида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбоса-ри, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э.Боситхонова. — Шунингдек, мавжуд муам-моларни бартараф этиш, устоз-шогирдлик аънанаси-нинг бардавомлигини таъ-

минлашга кўмаклашидир. Конференцияда Зулфия-хоним издошларининг дол-зарб масалалар, хусусан, тиббиёт, Оролбўйи аҳоли-сининг саломатлиги, таби-ий газ ва ёқилғиларни те-жаш, ҳуқуқий саводхонли-ни ошириш, болалар спортини ривожлантириш, интернет журналистиканинг бугунги аҳоли сингари мавзулардаги маърузалари тингланиб, мутахассислар томонидан юқори баҳолан-ди. Маърузаларнинг ўзбек, тили қаторида рус, инглиз тилларида ўқилгани қизлар-нинг хорижий тилларни ҳам мукаммал ўрганишаётгани-ни кўрсатиб турарди.

— Мен айти кунда Қарши муҳандислик институтида талабаларга сабоқ бериш билан бирга илмий изла-нишлар олиб бораётган, — дейди 2006 йили фан йўна-лишида ушбу мукофотга эга бўлган Хуршидахон Холиқо-ва. — Бугунги анжуман мени жуда руҳлантирди. Етуқ олимлар билан суҳбат қил-дим. Дугоналарим билан ижодий мулоқотлар уюш-тирдик. Гўзал шоирамиз номидаги мукофот соҳиба-си бўлиш биз учун катта имкониятлар эшигини очи-ши, фахр-ифтихор туйғула-рини улаштириш билан бир-га, ҳар сония ўзини сарҳи-соб этиб яшашдек бурчдор-лик ҳиссини туйишга унда-шига яна бир бор амин бўлдим.

Тадбир сўнггида соврин-дор қизларга ҳомий ташки-лотларининг эсдалик совға-лари, гулдасталар топши-рилди.

Ойбуви ОЧИЛОВА

Бурҳон РИЗОКУЛОВ  
олган сурат.

## Vatanimiz mustaqilligining 21 yilligi oldidan

Ўзбекистон давлат консерваториясида «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Унда мусикашунос олимлар, ёзувчи ва шоирлар, бастакорлар, санъат ихлосмандлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазири Т.Кўзиев ва бошқалар Прези-дентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида халқимиз маънавиятини юксалтириш борасида амалга оширилаётган эзгу ишларда миллий мусика санъатимизни равнақ топтириш, ижод-корларни ҳар жиҳатдан кўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, бадийи пухта асарлар яра-

Жорий йилги танловнинг барча тизимлари-да саксон минг нафардан ортиқ иштирокчи та-баррук заминимизни, истиқлол йилларида эри-шилган улкан ютуқларни, самимий ва меҳри-дарё ҳамюртларимизни тараннум этувчи, бу-гунги тинч ва осуда ҳаётимизни кўз қорачи-дек асраб-авайлаш, истиқлолнинг қадрига етишга даъват этувчи кўшиқлари билан ишти-рок этди. Уларнинг 32 нафари танловнинг яку-ний республика босқичида қатнашиш имкони-га эга бўлди.

— Хар биримизнинг тақдиримиз, ҳаётимиз, бахтимиз билан чамбарчас боғланиб кетган мустақиллигимиз, унинг саодатли неъматлари, имкониятлари ижод аҳли учун чин маънода

## ТАБАРРУК ДИЁРНИ УЛУҒЛОВЧИ ЭНГ ЯХШИ ҚЎШИҚЛАР

тиш йўлида илҳомлантириш масаласига ало-ҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 7 ап-релда қабул қилинган «Ягонасан, муқаддас Ва-тан!» республика кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида»-ги қарори бу борадаги ишларни янги, янада юқори поғонага олиб чиқишда му-ҳим омил бўлаётди. Кўрик-танловнинг асосий мақсади юртдошларимиз қалбида Ватанга му-ҳаббат ва садоқат туйғуларини мустаҳкамлаш, мазмунан теран, бадийи етуқ кўшиқлар яра-тишини рағбатлантириш, жонажон диёримизни шарафлайдиган, мардлик, фидойилик фази-латларини мадҳ этувчи энг яхши кўшиқларни халқимизнинг маънавий мулкига айлантириш-дан иборатдир.

Танловда ёши, миллати, касб-кори, профес-сионал даражаси турлича бўлган фуқаролар қатнашди. Кўрик-танлов самарасида шоир, бастакор ва хонандалар ўртасидаги ижодий ҳамкорлик янада мустаҳкамланмоқда.

улкан илҳом манбаидир, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Муножат Йўлчиева. — Шундай мўътабар диёрни, ёруғ ва фаровон, тинч ва осуда ҳаётимизни тараннум этиш барчамиз учун олий бахтдир.

— Ижодий беллашувда «Туғилган ер» кўшиги билан иштирок этиб, Ватан ҳақида куйлаш ҳар биримиздан катта масъулият талаб этишини яна бир бор чин юракдан хис этдим, — дейди қора-қалпоғистонлик хонанда Арслонбой Асқаров.

— Бу масъулият бизни юрт келажаги, эртанги куни учун барчамиз бирдек дахлдор экани-мизни англаштириб баробарида Ватанимизни ас-раб-авайлаш, унинг қадрига етишга чорлайди.

«Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танлови ғолиб ва совриндорлари ишти-рокидаги гала-концерт Мустақиллик байрами арафасида бўлиб ўтади.

Назokat УСМОНОВА,  
ЎЗА муҳбири

## ШАҲРИСАБЗДАГИ НАМУНАЛИ ОРОМҒОҲ

Шаҳрисабз туманидаги «Лочин» оромгоҳида ёшларнинг ма-роқли ҳордиқ чикариши учун яратилган шарт-шароитлар юрт-дошларимиз қатори хорижлик меҳмонларнинг ҳам эътирофига сазовор бўлмоқда. Бу масканда ёз ойларида минглаб бола-жонлар ҳордиқ чикариди.

Оромгоҳ мустақиллик йилларида тубдан ўзгарди. «Шўртан-газкимё» мажмуаси ташаббуси билан 2003-2004 йилларда дастлаб 500 ўринга, 2010 йилда эса 1000 ўринга мўлжаллан-

### Yozgi sog'lomlashtirish maskanlarida

ган оромгоҳ қайта қурилиб, капитал таъмирланди. 200 ўринли «Титаник» ҳамда 180 ўринли «Пирамида» кўринишидаги янги болалар ётоқхонаси бунёд этилди. Павильонлар замонавий кўзгу, манзарали расм, гул ва дараклар билан безатилган.

Масканда дам олувчилар учун катта кулайликлар яратилган. Хусусан, 26та жамоанинг ҳар бирига алоҳида овоз кучайтирув-чи мослама, компьютер жамламаси ва телевизор ажратилган. Оромгоҳ тарихи акс эттирилган музей ёшларни ҳамisha ўзига чорлайди. Кичик ҳайвонот боғидаги хонаки жониворларни парваришладда болалар ҳам хисса қўшмоқда.

Оромгоҳда Қамаш туманидаги Меҳрибонлик уйи тарбияла-нувчилари, Оролбўйида истиқомат қилувчи ёшлар, шунинг-дек, кам таъминланган оила фарзандларидан 400 нафари ма-роқли дам олди.

Оромгоҳда ҳар мавсум ўзига хос номланади. Жорий йил «Лочин оиласида ёз» деган шиор остида ўтказилган тадбирлар орқали болалар оила мустаҳкамлиги омилларидан хабар-дор қилинди.

Ўқтам МЕЙЛИЕВ,  
«Ma'rifat» муҳбири





Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳаси оғир жудолликка учради. Қорақалпоғистон Республикаси Тахтақўпир туманидаги "Адилет-Тахта" муқобил машина-трактор парки раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Ағитай Адиллов шу йил 14 август куни вафот этди.

## Ўзбекистон Қаҳрамони Ағитай Адиллов

А.Адиллов 1941 йили Тахтақўпир туманида туғилди. У мазкур тумандаги "Давқара" хўжалигида дастлаб ҳисобчи бўлиб иш бошлади. Кейинчалик "Қўнғироткўл" хўжалиги бош ҳисобчиси, "Тахтақўпир" хўжалиги директори, "Тахтақўпир" ширкат хўжалиги раҳбари сингари лавозимларда самарали меҳнат қилди. 2007 йилдан умрининг охиригача тумандаги "Адилет-Тахта" муқобил машина-трактор парки раиси сифатида фаолият юритди.

А.Адиллов ўзининг 50 йилдан зиёд давом этган меҳнат фаолияти мобайнида

табиий иқлим шароити мураккаб бўлган Қорақалпоғистон Республикасида пахтачилик, галлачилик, қорвачилик ва бошқа қишлоқ хўжалиги тармоқларини, фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшди. Айниқса, деҳқончиликка замонавий технологияларни жорий этиш, фермер хўжаликларини ўқори унум билан ишлайдиган техника воситалари билан таъминлаш, дала меҳнатқашларининг ўз меҳнат манфаатдорлигини ошириш, турмуш шароитини яхшилаш борасида ўзининг моҳир ташкилотчи, та-

шаббаскор раҳбар сифатидаги фазилатларини намоён этди.

У жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этиб, Тахтақўпир туманидаги қишлоқ ва овулларни, маҳалла гузарларини обод қилиш, ёшларни ватанпарварлик ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, қўллаб-қувватлаш тайёрлаб, қишлоқ хўжалиги соҳасини малакали кадрлар билан таъминлаш борасида ҳам жонбозлик кўрсатди.

А.Адилловнинг кўп йиллик

самарали меҳнати давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими" фахрий унвони, "Шўхрат" медали, "Эл-юрт хурмати" ордени ва "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони билан мукофотланган эди.

Моҳир қишлоқ хўжалиги ходими, камтарин ва меҳнатқаш инсон А.Адилловнинг хотираси қалбимизда ҳамisha сақланиб қолади.

И.Каримов, И.Собиров, Д.Тошмухамедова, Ш.Мирзиёев, М.Ерниязов, Б.Янгибоев.

**Тараққиётнинг «ўзбек модели» тамойилларидан бири кучли ижтимоий сиёсат бўлиб, бугун юртимизда олиб борилаётган ислохотлар замирида инсон манфаатлари бирламчи ўрин тутуши барчамизга аён. Жумладан, умумтаълим мактаб ўқувчиларини дарсликлар тўплами билан таъминлаш тизими мисолида ҳам фикримиз тасдиғини кўриш мумкин.**

Президентимизнинг «Умумтаълим мактабларини дарсликлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурда Республика мақсадли китоб жамғармасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Қувонарлиси, ота-оналарга қулайлик яратиб, ижара дарсликларини нархини арзонлаштириш ва шу билан аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида дарсликлар чоп этиш ва етказиб бериш харажатларининг маълум бир қисми қўшимча даромадлар ҳисобидан қопланмоқда. Натижада ижара тўлови миқдори йилдан-йилга арзонлашиб бораётир. Биргина

дарсликлар мисолида ҳисобласак, ижара тизими оилаларимиз бюджетига неча-неча миллион сўм фойда келтираётганини тасаввур этиш қийин эмас.

Ўтган ўқув йилида республикамиз бўйича 1-синф ўқувчилари, меҳрибонлик уйлари, ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб-интернатлар тарбияланувчилари, кам таъминланган оила фарзандларига ижара тизими асосида 8 485,8 миллион сўмлик дарсликлар тўплами ва ўқув-услубий қўлланмалар бюджет маблағлари ҳисобидан бепул берилди. Бу ҳам мамлакатимизда олиб борилаётган кучли ижтимоий сиёсат ифодасидир.

— Фарзандим Расулбек мактаб-

## Jarayon

Зулхумор Муҳаммаджонова. — Дарсликлар ижара тизимининг моҳияти, бундан қўзланган мақсад ҳақида ота-оналар билан тушунириш ишлари ҳам олиб борамиз. Ижара тўловларини ўз вақтида йиғиб, банкка топширишга, дарсликлардан самарали фойдаланган ҳолда зарар етказмасдан сақлашга эришяпмиз.

Дарсликлар ижара тизимини янада ривожлантириш йўлида айрим тўсиқлар учраётганини таъкидлаш жоиз. Бир қатор умумтаълим муассасаларида дарсликларни фойдаланишга бериш тартибига rioya etmaslik, ижара пуллари тўғри ҳисобламаслик, тўлов йиғимларини мuddatida топширмаслик ҳолат-

# ДАРСЛИКЛАР ИЖАРА ТИЗИМИ: ЮТУҚ ВА МУАММОЛАР

Республика мақсадли китоб жамғармаси фаолияти йўлга қўйилгач, бюджет ва бюджетдан ташқари манбалардан молиявий ресурслар бирлаштирилди, мазкур маблағлар ҳисобидан умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни чоп этиш, етказиб беришнинг узлуксиз тизими шакллантирилди. Натижада умумтаълим мактабларида таълим олаётган 4 миллиондан ортиқ ўқувчилар ҳар йили дарсликлар билан тўлиқ таъминланаётир. Эътиборлиси, Президентимиз ташаббуси билан 2006 йилдан буён 1-синф ўқувчилари, меҳрибонлик уйлари, ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб-интернатларнинг тарбияланувчилари ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандларига дарсликлар тўплами бюджет маблағлари ҳисобидан бепул тарқатилмоқда. Қолган ўқувчилар эса дарсликлардан ижара тизими асосида фойдаланаяпти.

Республика мақсадли китоб жамғармасининг молиявий ҳолатига эътибор қаратсак, 2011 йили дарсликлар тўпламларини ижарага беришдан тушган тўловлар суммаси 28 057,3 млн. сўмни ташкил этди. Бундан ташқари, вақтинча бўш маблағларини тижорат банклари депозитларига жойлаштиришдан 4 269,2 млн. сўм, фойдаланишга яроқсиз дарсликларни утилизация қилиш ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа тушумлардан 992,3 млн. сўм қўшимча даромад олинди.

2011-2012 ўқув йилида бу кўрсаткич 28,7 фоизни ташкил этди.

Кам нусхада чоп этилиши муносабати билан таннархи баланд бўлган бошқа тиллардаги дарсликларни ҳам арзонлаштиришга эришилаёпти. Мисол учун, таълим туркман тилида олиб бориладиган мактабларнинг 4-синф дарсликлар тўплами ижара тўлови 78,8 минг сўм эди, харажатларнинг бир қисми жамғарма даромадлари ҳисобидан қопланиши натижасида 16,7 минг сўмга туширилди.

Табиийки, бундай ўзгаришлар таълим-тарбияга ижобий таъсир кўрсатиб, ўқувчилар ва ота-оналарга бир қатор енгилликлар яратмоқда. Келинг, сўзимиз куруқ бўлмаслиги учун ижара тизимининг афзалликлари ҳақида ота-оналар фикрига эътибор қаратайлик.

— Ижара тизими пухта ўйланган, — дейди хоразмлик Отаназар Чўпанов. — Икки нафар набирам мактабда таълим олади. Ўтган йили 1-синфга қабул қилинган Гўлзодага дарсликлар бепул берилди. 3-синфда ўқийдиган Отажоннинг барча дарсликлари учун эса атиги 7 400 сўм тўлади. Агар дарсликларни бозор нархида харид қилганимизда камида 25—40 минг сўм сарфлаган бўлардик. Бу рақамни мактаб бўйича берилаётган жами

нинг 5-синфиди ўқийди, — дейди наманганлик Роҳила Назарова. — Ўғлимга барча дарсликлари бепул берилгани учун давлатимиздан миннатдорман. Расулбек бу ғамжўрликка жавобан яхши ўқишга, китобларни асраб-авайлаб тутушга ҳаркат қилаёпти.

Республика мақсадли китоб жамғармаси томонидан 2012-2013 ўқув йили учун 1-синф ўқувчиларига 5 557,5 минг нусха, ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб-интернатлар тарбияланувчиларига 13,7 минг нусха, кам таъминланган оила фарзандларига 725,0 минг нусха, ижара тизимидаги дарсликларни янгилаш мақсадида эса 4958,4 минг нусха, жами 11254,6 минг нусха дарслик ва ўқув қўлланмалар чоп этилмоқда.

Ижара тўловларини ўз вақтида йиғиб, умумтаълим мактабларининг ҳудудий газначилик бўлимларида очилган тегишли ҳисоб варақаларига қўйишга йиғимини таъминлаш, дарсликларни яхши сақлаш масаласи мактаб раҳбарияти ва ота-оналар зиммасига катта масъулият юклайди.

— Ҳар йили ўқувчиларни дарслик билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратамиз, — дейди Ҳамза туманидаги 149-мактаб директори

лари кузатилмоқда. Бу каби муаммоларни бартараф этишда қуйидагиларга жиддий эътибор қаратилиши муҳим:

— «Умумтаълим муассасаларини дарсликлар ва ўқув методик қўлланмалар билан таъминлаш тартиби тўғрисида»ги низомга (Адлия вазирлигида 14.01.2010 йилда 2064-сон билан рўйхатга олинган) асосан ўрнатилган тартибларга қатъий амал қилиш;

— ижара тўловларининг ўз мuddatida тўлиқ йиғилиши ва умумтаълим мактабларининг ҳудудий газначилик бўлимларида очилган тегишли ҳисобварақаларига тушишини таъминлаш;

— фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолган ўқув адабиётларини ўз вақтида тегишли корхоналарга топшириш.

Ушбу вазифаларнинг сифатли бажарилиши ижара тўлов нархининг арзонлашиб, дарсликлар таъминотида янада барқарорликка эришишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Нодир МУСЛИТДИНОВ,  
Молия вазирлиги ҳузурдаги  
Республика мақсадли китоб  
жамғармаси  
ижрочи дирекцияси  
бўлим бошлиғи,  
Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ,  
«Ma'rifat» мухбири





### Олмалик шаҳрида «Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!» шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди.

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида ўтказилган тадбирда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати етакчилари ва фаоллари, умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари, олий таълим муассасалари талабалари, корхона ва ташкилотларда фаолият олиб бораётган ёшлар иштирок этди.

Ёшлар фестивали доирасида «Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз!» шиори остида спорт тадбирлари, «Президент асарлари билимдони» мавзусида семинар, таниқли киноактёр, ёзувчи ва шоирлар иштирокида қизиқарли учрашувлар ташкил этилди.

Мазкур фестивални ўтказишдан асосий мақсад ҳам ёшларга мустақиллик йилларида эришилган улкан ютуқларни ҳаётини ва аниқ мисоллар, халқаро миқёсдаги муҳим эътирофлар воситасида тушунириб бериш, уларни давлатимиз томонидан яратиб берилаётган улкан имкониятлар, шарт-шароитлардан самарали фойдаланишга даъват этишдан иборат.

Фестиваль якунида таниқли эстрада юлдузлари иштирокида «Истиқлолни қуйлаймиз!» деб номланган концерт дастури намойиш этилди.

\*\*\*

### Андижон шаҳрида «Мафтунок ранглар олами» республика танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Республика Ногиронлар жамияти ҳамда Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан имконияти чекланган болалар ўртасида ўтказилаётган мазкур танлов ёш авлод қалбига улуг' неъмат — Ватанга муҳаббат, истиқлолга шукроналик, келажакка ишонч туйғуларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётир.

Танловда шаҳар ва туман босқичларида ғолиб чиққан 17 нафар иқтидор соҳиби қатнашди. Улар она табиат, замонамиз қаҳрамонлари, давлатимиз раъмзлари, юртимиздаги бунёдкорлик ишлари, турли эртак қаҳрамонлари, мустаҳкам оила каби мавзуларда расм чизиб, ўз салоҳиятини намойиш этди.

Якуний натижага кўра, Балиқчи туманилик Ёрқиной Абдулжаппонова «Соғлом оила» деб номланган расми учун ғолибликни кўлга киритди ва танловнинг мамлакат босқичига йўлланим олди.

\*\*\*

### Жиззахда мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллигига бағишланган «Энг улуг', энг азиз» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди.

Ушбу танловда жинс-халқ юздан зиёд ижодкорлар озод ва обод Ватан манзаралари тасвирланган, она юртга муҳаббат ва садоқат туйғуларини, халқимизнинг фидойи фарзандларини мадҳ этувчи ҳамда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни ас эътирувчи тасвирий санъат, бадиий ва публицистик асарлари билан иштирок этди.

Танловда шоира Вазира Иброҳимова, журналист Илҳом Носиров, вилоят телерадиокомпанияси ходими Сайёра Бўронова, бахмаллик расом Шерзод Рашидов ғолиб бўлди. Энди улар танловнинг якуний босқичида иштирок этади.

Ғолиблар таътилчиларнинг диплом ва совғалари билан тақдирланди.

\*\*\*

### Республика Маънавият тарғибот марказида мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллигига бағишлаб «Мустақиллик — менинг тақдиримда» мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Унда Тошкент олий умумқўшун кўмондонлик билим юрти ҳузуридаги офицерлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш факультети тингловчилари, марказ мутахассислари ҳамда журналистлар иштирок этди.

Мазкур тадбирдан қўзланган асосий мақсад тингловчиларни мустақиллик туғайли жамиятимизда амалга оширилаётган ўзгариш ва янгиланишлар мазмун-моҳиятидан кенгроқ хабардор этишдан иборат. Чунки халқимиз эришган ютуқлар замиридаги улкан изланиш ва фидойилик ҳарбий хизматчиларимизда Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, мамлакат тақдирига дахлдорлик туйғуларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

ЎЗА ва махсус мухбирларимиз йўллаган материаллар асосида тайёрланди.

## Қишлоқларда замонавий уйлар қурилмоқда

Юртимизда аҳоли турмуш тарзини янада яхшилаш, хусусан, қишлоқ жойларида ҳаёт даражасини кўтаришга қаратилган эътибор натижасида минглаб оилалар шаҳар шароитидан кам бўлмаган замонавий уйларга эга бўлмоқда.

Президентимизнинг 2009 йил 30 мартдаги «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ намунавий лойиҳалар асосида қишлоқ жойларда аҳоли учун уйлар барпо этилишини молиялаштириш банк зиммасидаги устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Ўзбекистон миллий матбуот марказида «Қишлоқ қурилиш банк» ва «Қишлоқ

қурилиш инвест» иختисослаштирилган шўба-инжиниринг компанияси ҳамкорлигида «Намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилишини яхшилаш ва қўламини янада кенгайтириш масалалари, кредит ажратиш тизимини такомиллаштириш ва хорижий тажрибаларни амалиётга татбиқ этиш борасида амалга оширилаётган ишлар» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

2009—2011 йилларда жами

622та қишлоқ массивида 15047та намунавий уй-жой барпо этилди. Дастур доирасида қурилаётган уй-жойлар қўйиматининг асосий ошишининг олдини олиш, уйларнинг қурилиши, дизайнни такомиллаштириш, сифатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбирда жорий йил давомида намунавий лойиҳалар асосида жами 905,5 млрд. сўм қийматга эга бўлган 8510та уй-жой қурилиши режалаштирилгани, Осиё тараққиёт банки кредити ва Молия вазирлигининг марказлаштирилган маблағлари ҳисобидан уй-жой соҳибларига жами 535,4 млрд. сўмлик имтиёзли банк кредитларини ажратиш кўзда тутилганига урғу берилди.

Зоҳиджон ХОЛОВ,  
«Ma'rifat» мухбири

## Устоз-мураббийлар эътиборда

Термиз шаҳрида таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси Сурхондарё вилоят кенгашининг ташаббуси билан мустақиллигимизнинг 21 йиллигига бағишлаб «Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!» шиори остида акция ўтказилди. Унда узоқ йиллар давомида самарали меҳнат қилиб келаётган устоз-мураббийлар, таниқли ижодкорлар, ОАВ вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мустақиллик йилларида юртимизда Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, улкан ўзгаришлар, жумладан, жануб гавҳари дея эътироф этилган Термизийлар юртининг кундан-кунга таниб бўлмас даражада кўркамлашиб бораётганлиги, ёшларимизнинг дунё миқёсида эришаётган ютуқлари, барча жабҳаларда бўлаётган янгиланишларга тўхталиб ўтдилар.

Шундан сўнг иштирокчилар махсус автобусларда ал-Ҳаким ат-Термизий макбарасини зиёрат қилиб, шаҳарда мустақиллик йил-

ларида бунёд этилган иншоотлар билан танишишди.

Тадбир сўнггида устоз-мураббийлар, тармоқ ходимлари, меҳнат фахрийлари байрам дастурхони атрофида дилдан суҳбатлашдилар. Шаҳар маданият уйининг бадиий ҳаваскорлик дастаси томонидан ижро этилган дилрабо куй ва қўшиқлар, мустақиллик ва она Ватанни мадҳ этувчи шеърлар даврага янада фойз бағишладилар.

Исмоил ШОКИРОВ,  
Норкуват ТЎРАЕВ

Сурхондарё вилояти

## Сифатли дарс — таълим самарадорлиги омили

2012-2013 ўқув йилига тайёргарлик ва халқ таълими ходимларининг аънавий август кенгашларини юксак савияда ташкил этишга бағишлаб Сирдарё вилоятида ҳам ўқув-семинар ўтказилди. Гулистон шаҳридаги 6-умумтаълим мактабида ўтган тадбирда таълим-тарбия сифати ва самарадорлиги, ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини янада оширишга эътибор қаратилди.

Семинарда Республика таълим маркази методистлари умумий ўрта таълим мактаблари учун 2012-2013 ўқув йили режасига киритилган ўзгаришлар, таълим босқичлари узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш мақсадида опти-

маллаштирилган ўқув дастурлари асосида дарсликларга киритилган янгилуқлар, илғор педагогик технологияларни тажриба-тадқиқотдан ўтказиш ишлари ва натижаларига кўра тавсия этилган дарс ишланмаларини ўқув жараёнига

татбиқ этиш хусусида фикр билдиришди.

Куннинг иккинчи ярмида «Дарс — муқаддас» тавсиясига кўра бажарилган ишлар: ютуқ ва камчиликлар, янги ўқув йилида амалга оширилаётган вазифалар, 2011-2012 ўқув йили якунлари бўйича ўтказилган мониторинг ва билимлар беллашуви жараёнида аниқланган ўзлаштирилиши қийин бўлган мавзулар, «Мустақиллик дарслари»ни ўтказиш каби мавзулар атрофида сўз юритилди.

Ўтган ўқув йили давомида юқори натижа қайд этган бир гуруҳ ўқитувчилар фахрий ёрликлар билан тақдирланди.

Бойжигит АБДУЛЛАЕВ,  
«Ma'rifat» мухбири

## Бахтиёр кичкинтойлар маскани

Андижон вилояти Олтинқўл тумани марказидаги «Нихол» мактабгача таълим муассасасида болаларнинг жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом камолга етиши учун барча имкониятлар мавжуд.

170 нафар кичкинтой тарбияланаётган ушбу масканда таълим-тарбия ишлари замонавий педагогик технологиялар асосида олиб борилаётган. Бу ерда спорт, мусиқа, хорижий тиллар, ўйинчоқлар ясаш каби йўналишларда қизиқарли машғулотлар йўлга қўйилган. Болаларда соғлом турмушга интилиш ҳиссининг ортиб, дастлабки билим ва касб кўникмаларининг шаклланишида уттига яқин тарбиячи-педагогнинг хизмати катта бўлмоқда.

Суратда: Андижон вилояти Олтинқўл тумани марказидаги «Нихол» мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари.



Хурсандбек АРАББОВЕВ (ЎЗА) олган сурат.



XX asrning 90-yillarida dunё haritasida yangi mustaqil davlatlar pайдо бўла бошлади. Тинимсиз курашлар, қийинчилик ва йўқотишлар, уйқусиз тунлар, мунозара ва муҳокамалар, изланиш ва яратилар, баъзан ўта изтиробли, баъзида қувончли интилишлар махсули ўлароқ Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги ҳам тарих зарваракларига битилди.

Тоталитар тузум емирилганидан кейин дунёнинг кутбларга бўлиниши барҳам топди. Лекин демократик асосларни мустақамалмасдан туриб, янги мустақил давлатларнинг хавфсизлиги ва барқарор ривожланишига эришиб бўлмаслиги маълум. Ҳозирги кунда дунёнинг 160дан ортиқ давлатида «демократик жамият» тушунчаси умумбашарий ва миллий қадрият сифатида қарор топган бўлиб, инсоният ҳаёт тарзининг энг мақбул ривожланиш йўли шу эканлиги кенг эътироф этилмоқда. Демак, мустақил Ўзбекистоннинг айна йўли танлагани, давлат бошқаруви мазмунига ушбу руҳни чуқур сингдиргани, ривожланишнинг ҳуқуқий демократик тамойилларига оғишмай амал қилаётгани мамлакатни истиқболнинг ойдин йўлига олиб чиқмоқда. Истиқлолнинг дастлабки даврларидаёқ Президентимиз Ислон Каримов умумстратегик вазифани: «Пировард мақсадимиз — ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига, очик ташқи сиёсатга эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборатдир», дея белгилаб берганида, бу бутун халқимиз томонидан қўллаб-қувватланган эди.

Бугунги дунёда мавжуд илмий концепцияларда демократик жамиятнинг қиёфаси, асослари, яшаб қолиши ва ривожланишининг умумэтироф этилган қонуниятлари ҳамда ҳар бир давлат, халқнинг миллий-маънавий хусусиятлари билан боғлиқ жиҳатлари ўз ифодасини топомқда. Шарқ ва Ғарб цивилизациялари туташган маконда умумэтироф этилган демократия тамойиллари миллий қадриятлар негизида ривожланаётганига тарихдан қўллаб мисоллар келтириш мумкин. Жумладан, қўн асрлик бой тарихга эга мустақил Ўзбекистонда ҳам демократик жамиятнинг шаклланиши ҳақонда эътироф этилган демократик тамойиллар ва қадриятлар билан узвий боғлиқ бўлиб, халқнинг ўзига хос хусусиятларини — миллий-маданий мероси, қадриятлари ва миллий давлатчилик анъаналарини сақлаб қолишга катта эътибор қаратилди. Бу ҳақда Юртбошимиз: «...мен демократия шубҳасиз барча учун умумий талаб ва принципларга эга бўлгани билан айна пайтда ҳар бир муайян мамлакатда демократик янгилашлар

халқ руҳиятини, тарих ва анъаналарни, фақатгина шу жамиятга, шу халққа хос бўлган жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозимлигини назарда тутяман», дея эътироф этган эди. Дарҳақиқат, мамлакатимизда кечаётган бугунги ижтимоий-сиёсий муҳит — халқимизнинг истиқболга бўлган ишончи ва

қаётган айрим кучлар ундан ниқоб сифатида фойдаланишга ҳаракат қилиши табиий.

«Демократия» ниқобидан фойдаланишга уриниш ҳолатлари айрим ноҳушликларни келтириб чиқариши мумкин. Яъни «Алдагани бола яхши», деганларидек, ёш давлатлар аҳолисига демократия нима эканлигини «ўргатмоқчи» бўлишмоқда. Бу билан уларнинг ёш давлат норасмий равишда бошқариш ва шу орқали унинг бойликлари эга бўлишни қўзлаётгани ойдинлашади. Умуман олганда, мустақиллигимизга мафкуравий жиҳатдан раҳна

моделли экспорт қилинадиган бўлса, унинг коммунизмдан фарқи қолмайди. Коммунизмни экспорт қилиш қандай оқибатларга олиб келгани эса ҳаммага маълум». Қолаверса, бунинг натижасида мустақилликка путур етади. Яъни сиёсий-иқтисодий, ғоявий-мафкуравий ва маънавий жиҳатдан қарамлик келиб чиқади. Бунга аҳолини, айниқса, ёш авлодни ўз томонига оғдирини, уларни ўз Ватанига, давлат ҳокимиятига нисбатан қарши тарбиялаш орқали эришилади.

Ёшлар билан ўтказилган суҳбатлар, сўровномалар

## Ogohlik — davr talabi

— Шарқ ва Ғарб демократиясининг ўхшаш ва фарқли, ижобий ва салбий томонларини илмий-назарий томондан талқин қилиб бериш;

— «демократия экспорти»нинг салбий оқибатлари ва ундан қўзланган мақсадни аниқ мисоллар ёрдамида очиб бериш;

— мамлакатимизда барпо этилаётган ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятининг ўзига хос жиҳатларини ёритиб беришга оид турли хил тадбирларда ёшлар иштирокини ташкил этиш;

— Президент Ислон Каримов асарларида келтирилган демократияга оид маъруза ва нутқларнинг мазмунини таҳлил қилишга қаратилган семинар, давра суҳбати, конференция ва тренинглар ўтказиш;

— ҳаётий воқеалар акс этган, образли («демократия экспорти» тахдидининг оқибатлари акс эттирилган, миллий руҳда суғорилган) ҳужжатли фильмлар тайёрлаб, кенг ёшлар оммаси эътиборига ҳавола қилиш;

— дарслик ва маъруза матнларига «демократия экспорти»нинг мазмун-моҳияти, мақсади, оқибати ва қўри-нишлари ҳақида мавзулар киритиш;

— таълим муассасаларида олиб бориладиган маънавият ва ахборот соатларида мавзуга оид янгилик ва тушунчаларни етказишда турли қўлғазмалар воситалардан фойдаланиш;

— радио ва телевидение каналлари орқали мазкур мавзуга оид эшитириш ва кўрсатувлар тайёрлаш, босма оммавий нашрлар ҳамда интернет тармоғининг издоменида қизиқарли, ёшлар эътиборини тортадиган мақолалар эълон қилиб бориш зарур.

Умуман, бу борада расмийликдан бироз йироқлашшимиз, ёшларга ҳар бир нарсанинг мазмунини оддий тилда тушунтиришимиз ижобий натижага тезроқ эришишимизни таъминлайди. Ёшларни «демократия экспорти» тахдидига қарши руҳда тарбиялаш учун янги ижтимоий-педагогик усуллардан фойдаланиш кун тартибидан мустаҳкам ўрин эгаллаши даркор. Зеро, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, «яна ва яна бир бор халқимизнинг маънавий оламини бундай тахдидлардан асраш, ҳозирги ўта мураккаб бир замонда халқро майдонда содир бўлаётган жараёнларнинг туб моҳиятига етиб бориш, улар ҳақида ҳолис ва мустақил фикрга эга бўлиш бугунги куннинг энг долзарб вазифаси»дир.

**Отабек БОЗОРОВ,**  
Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази етакчи мутахассиси

# ДЕМОКРАТИЯ: ХАЛҚ РУҲИЯТИ ВА ҚАДРИЯТЛАР УЙҒУНЛИГИ

**«Демократия, аввал-  
ламбор, маънавий ме-  
зонлар асосида бошқ-  
ариладиган кучли ҳуқуқий  
давлат, кучли фуқаро-  
лик жамияти демак-  
дир».**

**Ислон КАРИМОВ**

солмоқчи бўлаётган кучларнинг ҳаракати кўпга бормайди. Чунки халқимиз менталитетиде шаклланган кўп асрлик собит ва мустаҳкам ирода, машаққатларни мардонавор энгиш, келажакка катта ишонч ва умид билан қараш бу кучларга қарши тура олади.

«Демократия экспорти». Номидан ҳам сезиладики, бир давлатга бошқа давлатдаги мавжуд демократияни кўчириб олиб келиш, экспорт қилиш турли йўллар орқали амалга оширилади. Шулардан бири — демократик тузум олиб кирилиши керак бўлган давлат халқининг мавжуд тузумга нисбатан ишончини йўқотиш ва бу давлатда демократия мавжуд эмас, дея ишонтириш орқали улар онгини ишғол этишдир. Шу тариқа «демократия экспорти» давлат мустақиллигини ҳаф остига қўяди. Инсон ва давлат муносабатларида мураккаблик юзага келади. Аста-секин давлат демократияни экспорт қилаётган ўзга давлат иқтисодий-сиёсий, маънавий-маърифий жиҳатдан қарам бўлиб боради. Демократияни экспорт қилиш ва унинг оқибатларини фалсафий таҳлил этар эканмиз, шу ўринда фалсафа фанлари номзоди Шавкат Тўраевнинг фикрини келтириб ўтиш жоиз: «Агар демократиянинг универсал

шуни кўрсатмоқдаки, улар «демократия» деганда фақат эркинликни, баъзилари эса тенгликни тушунадилар. Бинобарин, ёшларга мамлакатимизда демократик жамият яратиш борасида олиб борилаётган ислохотларнинг туб мазмун-моҳиятини чуқур сингдиришимиз муаммони ҳал қилишда муҳим роль ўйнайди. Бу эса ёшларда «демократия экспорти»га қарши иммунитетни шакллантиришдан аввал, уларнинг асл демократия қандай бўлиши кераклигини, теран англашишга ёрдам беради. «Демократия экспорти»дан қандай мақсад кўзланганлиги, унинг оқибати нималарга олиб келишини кенг омма, хусусан, ёшлар онгига етказишда зиёлилар қатламига, айниқса, педагогларга жуда катта масъулият юкланади. Дунё миқёсида кузатилаётган глобаллашув даврида ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик бу мавзунинг ўрганиш ва тадқиқ этиш, илмий-назарий характердаги тавсияларни амалиётга татбиқ қилишдек долзарб масала ўз ечимини кутмоқда.

Ҳўш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш мақсадида ёшларда «демократия экспорти»га қарши иммунитетни шакллантириш учун нималар қилиш лозим?

### Бунинг учун:

— аввало, ёшларда ҳақиқий демократияга оид тушунча ва кўникмаларни ривожлантириш;

— бошқа давлатларнинг демократия тўғрисидаги қараш ва ғояларини Ўзбекистонга тўлиқ кўчириб келтириш нотўғри эканлигини амалий жиҳатдан исботлаб бериш;



# АНЪАНАЛАРГА ҲАМОҲАНГ ТЎГАРАКЛАР

Бола дарсдан сўнг нима билан машғул бўлади? Уй юмушларига ёрдам берадими? Мактаб қошида ташкил этилган фан, спорт ва ижодий тўғарақларга қатнашадими ёки ҳаёлини бошқа нарсалар банд этадими? Ўқувчи таътилда бўлса-чи?.. Чироқчи туман «Баркамол авлод» болалар маркази фаолияти билан танишиб, саволларимизга жавоб топгандек бўлди.

Марказда айни кунларда техник ижодкорлик, бадий ижодкорлик, ўлкашунослик ва экология йўналишларидаги йигирмага яқин тўғарақка 240 нафар бола қатнашпти.

— Йўналишлар бўйича тўғарақларни ташкил этишда тумanning урф-одатларига, яқин ва узоқ ўтмишига алоҳида эътибор қаратганмиз, — дейди марказ раҳбари Нигора Шавқиева. — Чироқчиликлар азал-азалдан чорвачилик, деҳқончилик билан шугулланиб келишди. Туманда от чопиш, кураш тушиш, бахшичилик севимли машғулоти туридир. Фольклор-

## “Barkamol avlod” bolalar markazlarida



шунослик тўғарағи фаолияти тезда юришиб кетиши ҳам шундан. Тўғарагимизга “Чироқчи чироқлари” фольклор дастасининг бадий раҳбари Ойбек Эшоннов, ишпирокчилари Ўғилой Мустафоева, Хосият Намозовани таклиф этиб турамиз. Халқ сайларида тўга-

рак аъзоларининг чиқишлари илиқ кутиб олинмоқда. Чироқчи полвонлар, чавандозлар юрти бўлгани боис, бутунги ёш авлод ҳам бу анъаналарни давом эттириши зарур. Шу боис марказимизда “Эгарсозлик” тўғарагини ташкил этмоқчимиз. Бунинг учун эса от спорти

бўйича бир неча бор мамлакат чемпиони Жамолхон полвон Саидмахматовдан керакли маслаҳат олдик. Асосий мақсад ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш баробарида қадимий анъаналаримизни давом эттиришдир.

— Мен Сергели тумани

«Баркамол авлод» болалар марказининг тўғувчилик тўғарағига қатнашман, — дейди чироқчилик қариндошлариникига меҳмонга келган Зухра Муҳаммадиева. — Камола опам ҳам тўғувчилик тўғарағига аъзо экан, мени бу ерга бошлаб келди. Марказдаги тенгдошларим билан тезда танишиб олдим. Яратилган шарт-шароитлар пойтахтдагидан асло қолишмас экан. Ўз биланларимни тенгдошларимга ўргатдим, улардан ҳам ўргандим. Менга айниқса, “Қуроқчилик” тўғарағи ёқди. Тўғарақ аъзоси тенгдош-дугонам Мафтуна Жўраева менга ўзи тиккан дастурхонни совға қилди. Ўзим ҳам қуроқ буюмлар тикдим. Тошкентга қайтгач, уларни дугоналаримга кўрсатаман.

«Баркамол авлод» марказига нафақат 6—16 ёшли болалар, балки касб-хунар коллежи ўқувчилари ва уй бекалари ҳам келиб, касб-хунар сирларидан воқиф бўлишмоқда. Ана шундайлардан бири тумanning Боғишамол маҳалласидан Назокат Ширинова қандолатчилик маҳсулотлари пиширишни, Сурайё Рашидова эса тўғувчиликни ўрганаётган экан.

Ўктам МЕЙЛИЕВ,  
“Ma'rifat” мухбири.

## ВЕРОНИКАНИНГ ОРЗУЛАРИ УШАЛМОҚДА

Мамлакатимизда истиқлол шарофати туфайли ёшларнинг таълим олиши, истеъдодларини намойиш этиши, меҳнат қилиши учун барча зарурий шароитлар яратилмоқда. Бунга жавобан улар барча соҳаларда улкан муваффақиятларга эришаётир. Изланувчан, интилувчан, иқтидорли ўғил-қизларимиз меҳнати давлатимиз ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланыпти.

Ана шундай қобилиятли, тиниб-тинчимас қизлардан бири Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридаги иқтисодий коллежининг ҳуқуқшунослик бўлими 2-босқичида ўқийди. Вероника Володина 2010 йили Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори бўлган. Кичик жуссали, истараси иссиқ, кишига ним табассум билан ширин муомала қиладиган камтар бу қизнинг қисқа вақтда эришган натижалари кўпчиликни ҳайратга солади.

Вилоятнинг чекка бир ҳудуди — Қизилқоғи 1994 йили таваллуд топган қизалоқ рус миллатига мансуб бўлишига қарамай, ўзбек тилини, урф-одатларини, санъати, маданияти, адабиёти, маънавиятини яхши билади, қадрлайди. У Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлиш билан бирга, республика, вилоят миқёсида ўтаётган турли кўрик-танловларда, илмий-амалий конференцияларда фаол қатнашиб келяпти. Хусусан, «Қамолот маликаси», «Конституция билимдони», «Дўппи тикдим, ипаклари тиллодан», «Янги авлод», «Қамалак жилоси», «Оқила қизлар», «Мен ва менин ҳуқуқларим», «ОИТСиз кела-

жак сари», «Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!», «Биз бир замин фарзандларимиз», «Мумтоз адабиёт дурдоналари», «Қулликка рози бўлманг!», «Ёш хунарманд», «Сиз тарихни биласизми?», «Энг яхши шарқона рақс», «Табиатни муҳофаза қилиш — бурчимиз» сингари турли йўналишдаги тадбирларни бунга мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Вероника ўқишда, санъатда, спортда, таълим муассасасида барчасига улгуради. Бадий асарлар мутолааси жону дили. Ўзбек, рус ва бошқа халқларнинг адабиёти тўғрисида сиз билан бемалол мулоқотга кириша олади. Тамарахоним, Мукаррама Турғунбоева ҳақидаги китобларни ўқиб-ўрганиш рақс санъатини эгаллашда муҳим роль ўйнаган экан. Ҳар бир соҳадан бохабарлик бу қизнинг доимий шиорига айланган.

Верониканинг миллий ва хорижий рақсларни маромига етказиб ижро этишида устози, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Сайёра Қосимованинг хизматлари чексиз. 12-Меҳрибонлик уйининг «Оила» фольклор дастаси-



да қатнашган Вероника «Чироқ» фольклор рақси билан кўрик-танловда ғолиб бўлган. Бундан ташқари, рус ва бошқа миллатлар ўйинлари билан бирга замонавий эстрада йўналишидаги рақслар ҳам унинг репертуаридан кенг ўрин олган.

Сурхон фарзанди Верониканинг келажақдаги орзуси — ҳуқуқшунослик касбини эгаллаш. Шу мақсадда тинимсиз ўқийди, изланади. Володина ҳақида Термиздаги 12-Меҳрибонлик уйи директори Сурайё Фозиева шундай дейди:

## Taqdirimsan, baxtimsan, erkin va obod Vatan!

— Вероникани ўз қизимдай кўраман. Меҳрибонлик уйдан сўнг таълимнинг кейинги босқичини коллежда давом эттиряпти. У ҳозир бизнинг оиламиз бағрида. Барча юмушларда менга кўмақдош. Бирор дақиқани бекор ўтказмайди, доимо фойдали машғулоти билан банд. У Меҳрибонлик уйида 2005—2011 йилларда тарбияланди. Кўри-нишдан жиддий бу қиздаги букилмас иродадан лол қолганмиз. Вероника ўзини улғайтирган, бошини силаган даргоҳини, тарбиячи опаларини унутгани йўқ. У Меҳрибонлик уйига келиб, бу ердаги укасингиллари билан ҳар хил машғулотлар ўтади.

— Шу юртда туғилдим, ўсдим, ундим. Мен каби кўнгли ярим ёшлар мустақиллик туфайли барча орзуларига эришяпти. Мендай оддий кишлоқ қизининг давлат мукофотига сазовор бўлиши шунчаки ҳодиса эмас. Буларнинг барчаси истиқлол шарофатидан, Юртбошимизнинг ғамхўрлиги ва эътиборидан. Миллионлаб бахтли ўзбекистонлик ёшлар қатори, бу ғамхўрликларга жавобан аъло ўқиб, хунар ўрганиб, келажақда Ватанимиз ободлиги, элимиз фаровонлиги, мамлакатимиз тараққиёти учун муносиб ҳисса қўшмоқчиман. Тақдирим шу юрт билан боғланган, бaxтим эса эркин ва обод Ватан билан бутун! Шундай дорилмон замонда яшаётганимдан мамнунман, — дейди гурур билан Вероника.

Норқувват ТУРАЕВ,  
“Ma'rifat” мухбири.



Қандай кийим кийиш ҳар кимнинг шахсий қарашларига, дидига боғлиқ. Айниқса, мактаб ўқувчиларининг сифатли таълим-тарбия олишида либоснинг ўрни катта. Кузатишлардан маълумки, ўқувчи куйи синфда бир хилдаги бежирим мактаб либосини хуш кўрса, улғайган сари тенгдошларидан ажралиб туриш учун камёб, ҳеч кимда йўқ кийимларни қидиради. Бироқ либосларга ўқувчи ўқувчиларнинг руҳиятига ҳам таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Оқибатда синфда ички ижтимоий тенгсизлик юзага келиши, ўқув жараёни самарадорлигига путур етиши мумкин. Хўш, ўқувчиларда ана шу нотўғри тушунчани қандай ўзгартириш мумкин?

Бу борада пойтахт-мизнинг Шайхонтоҳур туманидаги 167-мактаб психологи Севара Анорбоева шундай фикрда:

— Мактаб психологи ёки синф раҳбари ўқувчилар билан дилдан суҳбатлашиб, либос нисбий тушунча экани, муҳими ҳаётда муносиб ўринга, юксак инсоний фазилат-

ярашадиган кийим танланди.

#### Ўқитувчининг шахсий намунаси

Пойтахт-миздаги кийим-кечак бозорида Сергели туманидаги 104-мактабнинг бир гуруҳ ўқувчилари мактаб либоси харид қилишаётган экан. Синф раҳбари Дилрабо



## ЎҚУВЧИ ЛИБОСИ — ТАРБИЯ БЕЛГИСИ



ларга эга бўлиш лозимлиги тушунтирилса, ўқувчиларнинг фикри ўзгаради. Шу асосда уларнинг қизиқишлари тингланиб, умумий хулоса чиқарилади. Бунга қаршилиқ билдирган ўқувчиларнинг муносабати «Сизга бу кийимнинг нимаси ёқмади?», «Ўша жойига қандай ўзгартириш кiritса бўлади?», «Сиз тикувчи бўлганингизда мактаб либосини қандай тиккан бўлардингиз?» каби саволлар ёрдамида аниқланиб, кийим танланса, болаларга ёқади. Чунки хоҳишлари инobatга олинганда ўқувчи ўзида масъулият ҳис этиди, бошқа кийим кийгиси келганда ҳам ўз танловига қарши боргиси келмайди.

Ҳамза туманидаги 204-мактабнинг 7-синф раҳбари Наргиза Қориева мактаб либосини танлаш бўйича ўзига хос тажрибага эга. У жорий йилда ҳам ўқувчилар ва ота-оналарни мактабга таклиф қилди. Ҳамманинг фикри тингланиб, ёпиқ овоз бериш йўли билан барчага бирдек ёқадиган,

Халилованинг эғнидаги кийим ўқувчи қизлар эътиборини тортди: ортиқча ҳашамларсиз оқ кофта, анъанавий қора юбка, шу рангдаги оёқ кийим ва мос сумка. Улар узок иккилашиб ўтирмай шундай услубдаги либосни танлашди. Бу ота-оналарга ҳам маъқул тушди. Асосийси, ўқувчилар ҳеч қандай талаб ёки чекловларсиз устозидан шахсий намуна олишди.

— Ҳар ўқув йили арафасида кийим-бош олиш учун ўқувчиларим билан бозорга тушамиз, — дейди синф раҳбари. — Ўтган ўқув йили арафасида оч кўк кофта, тўқ кўк рангли нимча ва юбкада келгандим. Қизлар шунга ўхшаш кийимларни танлашганди. Бундан аёнки, ўқитувчининг шахсий намунаси ўқувчига ўрнатилган бўлади. Чеклов қўйсангиз, бола қаршилиқни четлаб ўтиб, ўз истакларига мос либос харид қилишга уринади. Ўзлари хоҳлаб танлаган кийимни эса йил мобайнида севиб кийишади.

— Ўқувчининг ташқи

кўриниши ўз номига муносиб бўлиши керак, — дейди Термиз шаҳридаги 11-мактаб ўқитувчиси Дилбар Нормуродова. — Кийим танани чанг, қуёш нури ва совуқдан сақлайди. Ота-оналар ҳамкорлигида ўқувчилар учун миллий анъаналаримиз ва иқлим шароитига мос гулсиз матолардан либос танладик. Чунки ўқувчи нафақат билими, балки одоби, оддий ва содда кийими билан ҳам ажралиб туриши лозим, деб ўйлайман.

Наманган шаҳридаги 58-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида йиғилган таклифлар асосида бир неча хил бичимдаги кийимлар лойиҳаси тайёрланган, ўқувчилар ва ота-оналар иштирокида муҳокама қилиниб, барчага маъқул нусха танланди.

— Бу борада мулоҳазалар кўп, — дейди мактаб директори Индира Фаниева. — Аммо ўқувчи либоси оддий ва қулай, тана физиологиясига мос бўлишига алоҳида аҳамият қаратдик. Бошланғич ва юқори синф ўқувчилари учун алоҳида ранг ва услуб танланди. Эътиборлиси, либос учун мато Ўзбекистонда ишлаб чиқарилгани боис сифатли, ҳамёнбоп, миллий менталитетимиз ва иқлимимизга мос.

#### Мактаб устахонасида тикилган

Бугунги кунда кўплаб мактабларда тикувчилар

тўғараклари ташкил этилиб, энг замонавий тикув машиналари билан таъминланган. Аксарият умумтаълим мактаблари имкониятдан фойдаланиб, ўқувчиларга муносиб либосларни шу ернинг ўзида тикиш йўлга қўйилмоқда.

Мисол учун, Андижон вилояти Қўрғонтепа туманидаги 41-ИДУМИ жамоаси томонидан тайёрланган мактаб либоси сифати, дизайни ва гигиеник талабларга жавоб бергани

Ҳақиқатан ҳам, мактаб либоси ўқувчига ўқишга масъулият билан қараш руҳини беради. Шундай кийим кийган бола ўзидан ўқувчига хос одоб қоидаларига амал қила бошлайди.

— Қизим бу йил 2-синфга боради, — дейди Гулистон шаҳридаги 15-умумтаълим мактабининг ота-оналар қўмитаси раиси Норой Норбўтаева. — Ўқув йили бошланишини интиқиб кутмоқда. Бу бежиз эмас. Мактаб маъму-



боис ўқувчилар ва ота-оналар томонидан маъқулланди. Ушбу тажриба хусусида таълим муассаси директори Салбархон Исомиддинова шундай дейди:

— Ота-оналар «Мактаб либоси қандай бўлишини хоҳлайсиз?» деган мавзуда анкета-сўровномасини тўлдирди. Барча таклифлар жамланиб, дизайнерлар томонидан янги андозадаги уст-бош яратилди. Хоҳишларининг умумлашмаси акс этган кийимларга барча бажонидил буюртма беришди.

рияти ва ота-оналар келишиб, бежирим мактаб либоси танлаганмиз. Ҳар кун кийимларини кийиб, ўзини ойнага солишдан либос ўз дилидагидек чиққанини англайман. Назаримда, мактабга боришга, билим олишга иштиёқи кун сайин ортмоқда. Бундан амин бўлдимки, муносиб либос ҳам бола учун тарбия воситаси экан.

Насиба ЭРХОНОВА,  
Норкуват ТўРАЕВ,  
Ғанишер АҚБАРОВ,  
Орифжон СИДДИКОВ  
Бойжигит АБДУЛЛАЕВ,  
«Ma'rifat» мухбирлари







## Яхшилик нима?

Яхшилик аввало ўзингдан бошланади. Хар бандда нафс бор, роҳатга эҳтиёж бор. Ўзингнинг нафсинг чулдириб, ниманидир сўраб турганда, кимнидир хурсанд қилиш, кимнингдир кунига яраш учун ўша нарсадан кеча олсанг, олдиёғина қилиб айтганда, нафсингни тия олсанг, қанчалар суюнади одам. Ўз ўзингни энгиш завқи бошқача.

Яхшилик ҳаётда доим қувончга эгизак яшайди. Ҳаётда ўрнини топган оиласи тинч бир опамиз шундай воқеани ҳикоя қилиб берган эди:

— Тошкентга янги келган пайтларим. Илм изида юрибман, ижара уйда тураман. Кунларнинг бирида уйимиз эгаси келиб:

— Қизим қайнонаси билан алоҳида яшайдиган бўлиб қолди. Икки соатдан сўнг кўч келади. Уйимизни бўшатиб қўйинг, — деди. Мен нимаю дердим, уй унику бўлса?! Нарсаларимни йиғиштириб, бир танишимнинг уйига қўйдим.

— Вақтинча туриб турсин. Ижара уй толғач, олиб кетаман, — дедим. Шошганда лаббай топилмас деганларидай ҳадеганда уй ҳам топилавермади. Бир неча кун ишхонада ётиб юрдим.

«Ўзгина ишим бор эди», деб шерикларимдан орқада қоламан. Кечалар узун бўлишини ўшанда билганман. Қоровул кўрса, ҳайдайди, деб чироқни ёқмайман. Кўчага овқатлангани чикмас, қайтиб қиролмайман, деб кундузи қолган бурдалару ул-булни тановул қилиб стуллари бирлаштириб ётаман. Кошки уйку келса... Икки-уч кун ўтган, кишлоққа кетаман, мендан олиқ чикмас чикмас, деган қарорга келдим. Бир ёғи илмий иш қиламан, аспиратурага кириаман, деб уйдан қанча тўполонлар билан чиққанман.

Икки ўй орасида турсам, бошқа бўлимда ишлайдиган ёши улғурок домла:

— Ҳа, қизим, паршонсиз? — деди. Йиғлаб юбордим. Бир огиз сўз бағримни эритди.

— Қани юринг-чи, — деб хонасига бошлади. Сарсон — саргардон юрганимни айтиб бердим.

— Нега айтмай юрибсиз? Ахир, инсон инсонга ёрдам беради-ку, — дея домла мени уйларида олиб кетди. Рафиқаси, қизлари очик чехра билан кутиб олишди. Қизларига опа, ўзларига сингил бўлиб уларниқанда анча яшадим. Бирон марта оғринганларини сезмадим. То ишларим юришиб кетгунча, доимий бошпанга эга бўлгунча домланинг уйда қолдим. Шу-шу

яхшиларга, яхшиликка юрагимда ишонч маҳкам бўлиб қолди. Меҳр-оқибат йўқ, ё яхшилик қилганинг билан биров билмайди, деган гапга умуман қўшилмайман. Яхшилик бир туришда туриб қолмайди. У кўпаяди, худди тупроққа уруғ сочгандек ҳосил беради.

Баъзан яхшилик яшин қайтарчи, яъни ёмонликдан қайтарувчи вазифасини ўтайди. Шу ўринда яна бир опамизнинг ҳикояси эсимга тушди.

— Кириш имтиҳонларини топишиб юртимга қайтдим. Поезд ярим тунда станциямизга кириб келар экан. Қўлимда ортиқча китобларим тўлдирилган оғир жомадон. Вокзалдаги кутиш жойида тонг отгунча ўтирса ҳам бўлар

«Ризқнинг баракали бўлишини силаи раҳмсиз тасаввур этмоқ қийин. Бунга мисол тариқасида бир ривоятнинг қисқа баёнини берамиз: Отанаси вафот этган ака-укага бир қопгина бугдой мерос қолади. Ака-ука мерос ҳақиқа хийнат қилмай, уни теппа-тенг бўлиб оладилар. Шу кунни ақанинг кўнгли оғрийди: «Укам ҳали уйланмаган, ҳам ўзини боқиши керак, ҳам тўйга йиғиниши керак. Болаларимнинг ризқини Аллоҳ ўзи берад», деган уйда омборхонага кириб ўзига ҳақратиб олган улушдан укасининг қопига тўқади. Шу кун укасининг ҳам кўнгли оғрийди: «Мен битта қорнимни эплаб тўйдириб юрардим. Ақанинг

Мураккаб муолажалар жараёнидаги муаммоларни бартараф этишдан то довланиб тузалиб чиққунимга қадар жонкуярлик қилган ғамхўр инсонларнинг яхшилиги, оқибати қалбимни нур каби ёритиб ҳаётга муҳаббатимни янада оширди. Бу қалби дарё инсонлар мени нафақат маънавий, балки моддий жиҳатдан ҳам қўллаб-қувватлаганликларини алоҳида таъкидлашни истардим.

Шифохонада даволанаётганимнинг дастлабки кунлари эди. Кундузги муолажалардан сўнг дам олиб ўтирсам, телефон жиринглади. Ишхонадагилар экан. «Биз ташқарида сизни кутаямиз», дейишди. Чикдим. Журналимиздан тўрт

## Sizga gapim bor

нинг меҳр-муҳаббатини юрагимга жойлаган ҳолда жарроҳлик хонасига йўл олдим.

Худого шукр. Ҳаммаси яхши бўлди. Машаққатли кунлар ортда қолди. Асосийси, жамoadошларим мени бир зум ҳам ёлғиз қолдиришмади.

Гарчи мазкур тахририятда иш бошлаганимдан бери кўп вақт ўтмаган бўлса-да, уларнинг менга сидқидилдан, самимий кўмак берганидан бошим кўкка етди.

Яхшилик... У шунчалар қайноқ, мунаввар нурки, юракнинг қат-қатига сингиб кетади. Бу нурнинг тафти юрак ҳароратини оширади. Инсонни ҳаётини севишга, ён-ғарофдагиларни ардоқлашга қорлайди...

Яхшилик кучи, инсонларнинг бир-бирига меҳрибонлигию, фидойилиги кишини улкан жасоратларга ҳам бошлайди.

— Шу инсон менинг ҳаётимни асраб қолди. Жоним учун жон қарздорман, — деган гаплар ҳам қўлоққа чалинади.

Яна бир воқеа:

Қадим замонларда икки исёнчини ҳукмдор ҳузурига олиб келишибди. Хон уларни бўйсунмаслик, сарқашликда айблаб, ўлимга ҳукм этибди. Шунда йиғитлардан бири:

— Амрингизга бўйсунаман. Лекин сиздан бир ўтинчин бор: мени дўстимдан аввал қатл этинг. Чунки унинг ўлимига чида олмайман, — дебди. Иккинчиси ундан ҳам илтижоли овозда:

— Йўқ, мени аввал қатл этинг! Унда гуноҳ йўқ, уни бу йўлга мен бошлаганман! — деб ўтинибди.

Ҳукмдор уларнинг бир-бирига қалқон бўлишга тайёр эканини кўриб:

— Бир-бири учун яхшиликка тайёр дўстларга мен нечун ёмонлик соғинай? — деб уларга енгилроқ жазо тайинлаган экан.

Ривоятларда ҳақиқат яшайди.

— Дунёда яхшилик ва яхшилар кўп, шунинг учун ҳам ҳаёт тарозусининг палласи бир тарафга оғиб кетмайди, — деган гапни эшитгансиз.

Ҳа, яхшилик кўп. Шунинг учун орзу-хаваслар қиламиз, умидимиз бутун, орузимиз мустаҳкам.

Агар яхшилик бундан ҳам кўпайса, ҳар инсон бу фоний дунёда ўзини яхшилик ташувчи сифатида ҳис этса, шу ҳис олдида буркли сезса, эртанги кунга яна ҳам муаммоларимиз камайиб борамиз.

— Мен кичкина одамман, қўлимдан нима келади, деманг! Ахир, сиз ҳам дунёнинг энг яхши туйғуси муҳаббат, ҳурмат ҳосилсиз-ку!

Қурбонбой  
МАТҚУРБОНОВ

ЯХШИЛИКНИ  
ИХТИЁР ЭТ!

экан (ўшанда билмаганман). Жомадонимни зўрга судраб, шаҳарнинг чеккасига, бир ҳамқишлоғимиз яшайдиган жойга қараб йўл олдим. Кетаятсам рўпарамдан кепкасини бостириб олган йиғит қикди. Кўрқиб кетганимдан салом бериб:

— Ака, жомадоним оғир. Шағалқочдигача (ўша борадиган маҳаллам) олиб бориб қўя олмасми? — дедим. Йиғит жомадонимни кўтариб йўлга тушди. Изидан югургилаб бораёяман...

Танишимизнинг дарвозасига етган:

— Сиз мендан кўркмадингизми? — деди.

— Нега кўрқай? Сиздай акам бор, — дедим.

— Мен... яхши одам эмасман. Тўғриси, ўғриман. Отанам ёшлагимда ўлиб кетган. Хар кимларнинг уйда ўсганман. Шу пайтгача ҳеч ким мени «Ака» демаган... Агар шундай демаганингизда, «ака» сўзини эшитиб, юрагим галати бўлиб кетмаганида, балки, сизни тунардим, — деди... Ўзим дағ-дағ титрадим-у:

— Бошқа бундай қилманг, ака, — дедим.

Бу воқеани ғоят таъсирли қилиб айтиб берган опамиз ўша йиғитнинг қўли бошқа эгрилик қилмаганига ишонади.

Менинг ҳам шу фикрга ишонгим келади. Ахир, яхшилик жуда кучли ижобий қувват, у одам руҳиятини ўзгартира олади. Шу ўринда таниқли адбимиз Тохир Маликнинг «Одамлилик мулки» китобидаги бир ривоят ёдга келади:

оиласи қийналиб қолиши мумкин», деган уйда у ҳам омборхонага кириб ўзининг улушидан акасининг қопига тўқади. Бу ҳол ҳар бир тақдорланаваради. Аммо иккала қопдаги бугдойдан бир мисқол ҳам қамаймайди. Шунда ака-укалар ажабланишиб, бир донога маслаҳатлаб борганларидан у бор гапни яширмай айтишларини талаб қилади. Воқеадан хабар топган эса: «Бир-бирингизга меҳр-оқибатли бўлганингиз учун Аллоҳ сизларнинг ризқингизга шундай барака берибди», дебди.

Инсонларнинг бир-бирига яхшилиги фақат ризқ, барака эмас, ҳаёт, тириклик ҳам ато этиши мумкин. Журналист Эдиот Жўраева яхшилик тўғрисидаги қалб изҳорларини шундай баён қилади:

...Одам шамолласа ёхуд бирор жойи сал жароҳатланса, дарҳол керакли муолажаларни қилади ва тўзалади. Бироқ юрак хасталанса, бутунлай ҳолдан тойиши, тушкунликка тушиб, қўли ишга бормай қолиши ҳеч гап эмас экан.

Бундан икки йил аввал академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик марказида даволанишимга тўғри келди. Ана шундай мураккаб даврда дардни энгиб ўтишимда мен билан бирга елкама-елка туриб ёрдам берган «Хуқуқ ва бурч» ижтимоий-ҳуқуқий журнали тахририяти жамoасининг яхшилигини ҳеч қачон унутмайман. Бу олижаноб инсонлардан бир умр миннатдорман.

нафар ходим келган экан. Жуда хурсанд бўлдим. Ана шундай пайтда инсонга кўрсатиладиган заррача эътибор нечоғли муҳим аҳамиятга эга эканини яна бир қарра ҳис қилдим.

Операция куни белгиланди. Уйдагилар ҳаммаси шу ерда. Ишхонадагилар, дўст-биродарлар тез-тез ҳолимдан хабар олиб турибди.

Уша кун ҳеч эсимдан чиқмайди. Тонг. Соат олти. Яқинларим жамулжам бўлишган. Уларнинг олдида чикдим. Опам: «Ишхонангилар ҳам шу ерда», деди. Ўзимни тўрт тарафдан ҳимоялангандек кучли сездим.

Узун коридор йўлагадигай ўриндиққа ўтирдик. Бир ёнимда отам, бош муҳарриримиз Жаҳонгир Наҳанов, бир ёнимда бош муҳаррир ўринбосари Муҳиддин Нарзикулов, бўлим мудири Абдурахмон Мустафоқулов. Соч-соқоллари оқариб қолган, унча-бунча ғамни писанд қилмайдиган, иродали отам бу ҳолатдан қаттиқ таъсирландилар, шекилли, кўзларида ёш ҳалқаланди. Мени операциядан олдин лозим бўладиган тайёргарлик ишлари учун ҳамширалар қақириб қолишди. Қўллар дуога кўтарилди.

Кетиб борарканман, кеча шифокорнинг менга айтганларини эсладим. «Агар бемор хотиржам, кўркмай, яхши қайфиятда, энг муҳими, ишонч билан операцияга кирса, биз шифокорларнинг ҳам ишмиз осон кечади», деган эди у. Мен эса қариндошларим, жамoadошларим ва дўстларим-

Наргиза опоқи(бобо)жониси билан гаплашиб ўтиришни жуда ҳам яхши кўради. Чунки у доим янги-янги ҳикматли воқеаларни гапириб беради. Сўзлари ўрта таъсирли, ҳатто йиғлатиб ҳам ютади.

Кеча: «Қизим, синфдошларингдан энг чин дугонанг ким?», деб сўраб қолди.

— Энг чиними, Моҳирахон, — деди Наргиза ишонч ва меҳр билан.

— Унинг қандай фазилатларини ёқтириб, чин дугона қилиб танлагансан?

— Бир куни тан берганман-да, ўзим қойил қолганман!

— Нимасига?

— Синф раҳбаримиз:

«Хамма ўз ота-оналари билан маслаҳат қилиб, ким қайси газета-журналга обуна бўлмоқчи бўлса, эртага пул олиб келсин», — дея тайинлади. Мен

хонада навбатчи эдим. Болалар катта танаффусда ташқарига чиқиб кетишган, Моҳирахон ёнимга келиб:

«Эшикнинг ёнида қараб туринг, биров келиб қолмасин», деб, ўзи Зулхуморнинг сумкасига ўн

минг сўм пул солиб келди. «Зулхумор яхши ўқийди-ю, нима учундир ўтган

йили ҳеч нарсасига обуна бўлолмаганди, шунинг учун ўн минг сўм солиб қўйдим. Қўлига берсам уялади, олмайдди. Сизга ҳам айтмасдим-у, ҳар хил ҳаёлга борманг, деб айтиб қўйдим, бировга инданманг» — дея илтимос қилди...

Буни эшитиб «Ҳақиқатан ҳам чин дўст топибсан» деди бобоси.

Турсунали ЮСУПОВ,  
Риштон туманидаги  
33-мактабнинг тарих  
фани ўқитувачиси

## ЧИН ДЎСТ

Ko'zgu



## ДАРСЛИКДАН ТАШҚАРИ БИЛИМ

## Ўқитувчию ўқувчи учун муҳим

... Эрта тонг. «Бу кундан нимадир олиб қолиш керак!». Шу мақсад билан ҳар бир киши янги кунни қарши олади. Биз педагогларда эса, сал бошқачароқ: «Бу кун ниманидир ўрганишим, ўргатишим керак!» деган фикр билан уйғонамиз.

Ишга отланар эканман, ўқувчиларим ҳаёлимдан бир-бир ўтади. Бугунги мавзу бўйича қандай янгилик беришим мумкинлигини ўйлаб мактабга кириб бораман. Кўнгирок чалингунча қиладиган бир одатим бор: янги чиққан газеталарни варақлайман, юртимизда содир бўлаётган энг сўнгги янгиликлардан ўқувчиларимни бохабар этиш-

га ошиқаман. Дарсининг дастлабки 5 дақиқасини сиёсий-ижтимоий хабарларга ажратаман. Сабаби, ўқувчиларимнинг фақатгина бадийи эмас, балки сиёсий билими ҳам ошишини истайман. Бунинг учун, аввало, ўзим хоҳ сиёсий, хоҳ маданий, хоҳ таълим соҳасида бўлсин, барча янгиликлар, ўзгаришлар ва ислохотларни кузатиб боришим керак. Бунда асосан таълим нашрларига суянаман.

Мақтабимизда «устоз-шогирд» аънаси бўйича менга бириктирилган ёш ўқитувчилар бор. Уларга доим журнал ва газеталарни ўқиб боришни ўқира-

ман. Чунки ўқитувчи дарсликдаги маълумот билан чекланиб қолмаслиги керак. Бугунги ўқувчи жуда зийрак ва билимдон. Шундай ўқувчилар борки, бирор мавзуда ҳаёлингизга келмаган жихатни топиб, изоҳлаб беришингизни сўрайди. Ана шундай пайтда қўшимча маълумотлар, янгиликлардан хабардор бўлиш ўқитувчига қўл келади.

Фарида  
МИРЗААХМЕДОВА,  
Мирзо Улуғбек  
туманидаги  
207-мактабнинг  
она тили ва адабиёт  
фани ўқитувчиси

ИНШО — ИЛК  
ИЖОДИЙ АСАР

Иншо — матнинг сайқал берилган кўриниши, мустақил ижодий асар. У боланинг дунёқарашини бойитади, она тили ва адабиёт фанидан кўникма беради.

Иншо сарлавҳани тўғри танлашдан бошланади. Сарлавҳа иншога ёритиладиган фикрларга мувофиқ келиши ва унинг мазмунини тўла қамраб олиши лозим. Кузнинг ширин-шакар мевалари тўғрисида фикр юритиб, «Полизда» ёки «Қовун пишиди» деб сарлавҳа қўйиб бўлмайди. Бундай иншо «Куз саховати» каби номлар билан аташ мумкин.

Ҳар бир ўқувчи борлиқни, ундаги нарсаларни, одамлар ва бадий асар қаҳрамонларини ўз кўзи билан кўради. Демак, иншога ўзича материал тўплайди. Иншо учун асосий мавзу бу — аввало, ҳаётнинг ўзи, унинг қитоблардаги, санъатдаги ифодасидир. Шунинг учун ўқувчиларда кузатувчанлик хусусиятини шакллантириб бориш керак.

Мен биз унча ҳам аҳамият беравермайдиган иншо билан боғлиқ бир муаммони айтиб ўтмоқчи эдим. Кўпчилик ўқувчилар ёзган матни устида деярли ишлай олмайди, ишининг қоралама нусхасига бирорта ҳам тузатиш киритмай, оққа кўчиради. Ахир, матни такомиллаштириш, ўз хатосини ўзи кўра олиш ўқувчи учун жуда муҳимку? Биз ўқитувчилар эса, матни текшираётганда ё барча хатоларни тузатамиз (ўқувчининг ўрнига ишни тахир қиламиз) ёки хатолар остига чиқиш, ҳар хил белгилар қўйиш билан чекланамиз. Баъзи ўқитувчилар матндаги имловий хатоларни тўғрилаш билан банд бўлиб, унинг маъносига эътибор бермайдилар.

Ўз тажрибамдан келиб чиқиб шунга айтмакчи, ўқувчида матнни қайта ишлаш кўникмасини шакллантириш, ижодкорлик қобилиятини аста-секин ўстириб бориш лозим. Бунда ўқитувчи ҳам, ўқувчи ҳам асосий кўмакчи — бадий асар муталаасидир.

Зарина БАРНОЕВА,  
Бухоро туманидаги  
22-мактабнинг она тили ва  
адабиёт фани ўқитувчиси

Санъаткор бўлиш осон, аммо ўз касбига, номи ва эътиборга муносиб бўлиш анча мушкул экан...

Дарслар тугагач, дугонам билан бекатда автобус кутиб тургандик. Йўлнинг бизга қарама-қарши томонидан кўпчиликка таниш, эл назарида юрган бир неча актёр бекат томонга кела бошлади. Уларни кўриб,

ЎРНАК БЎЛИШ  
ЎРНИГА...

суҳбатимиз беихтиёр актёрларнинг ижро маҳоратию, охириги ўйнаган роллари муҳокамасига бурилиб кетди. Актёрлардан бири доимо одамларга насиҳат қилувчи, барчага ўрناк бўлса арзийдиган ролларни ижро этарди. Уни ижобий ролларда кўриб, ўрганиб қолгандик. Аммо ўша кунги воқеадан кейин ўша актёр ҳақидаги фикрларимиз ўзгарди. Тўғриси, ҳафсаламиз пир бўлди. Негаки, у «оқи»дан тўйгунча ичиб олган, оғзидан чиқаётган сўзларни эса эшитишга одам хижолат. Олдида ҳамкасблари бор, лекин улар ҳам бун

одатий ҳолдек қабул қилишаётгани, унга танбеҳ беришаётгани ҳақлимизни чиқарди.

Санъаткор одамларни эзгуликка етаклайди. Саҳнада ролни қотириб қўйиб, ҳаётда ўзини назорат қилмаслик ҳақиқий актёрга хос эмас. Эл ҳурматида юрган, яратган образларида инсоний фазилатларни тараннум этишга уринган баъзи санъаткорлар

ўзларини шундай тутсалар, бошқалардан нимани кутамиз?

Одам шайтоннинг йўлига кирди-ми, тубанликка, ахлоқсизликка юз тутати, ўзининг обрў-эътиборидан айрилади, атрофдагилар олдида ҳурматини йўқотади. «Ё аслинг каби кўрин, ё кўринганинг каби бўл», деган эди Жалолiddин Румий. Юксак истеъдод ҳаммага ҳам ато этилавермайди. Уни бойитадиган, сақлаб қоладиган ва юксакларга кўтарадиган омил бу санъаткорнинг одоб-ахлоқи эканлиги айни ҳақиқат. Фақатгина санъаткорлар эмас, балки ҳар бир киши шуни унутмаслиги керак, деб ўйлайман.

Гулзода ЗОХИДОВА,  
ЎзДЖТУ талабаси

Toshkent shahri  
Matbuotchilar  
ko'chasi 32-uy.  
«Ma'rifat» gazetasi  
tahririyatiga

**«Ma'rifat» ga  
maktublar**

E-mail:  
info@marifat.uz

## ЎҚУВЧИ ЎЙ-ҲАЁЛЛАРИ

## деворий газетада акс этиши керак

Ҳар бир ўқувчи — ўзига хос бир дунё. Ўқувчиларнинг билими, хулқ-атвори, дунёқарашини ва орау-интилишлари акс этадиган кўзгугу, шубҳасиз, мазмунли деворий газетадир.

Деворий газетага ўқувчиларнинг ёши, мақсад ва интилишлари ҳамда қизиқишларига қараб ном танлаш, уни мунтазам равишда чиқариб бориш керак. Аммо барча илм даргоҳларида ҳам деворий газеталар фаолияти кўнгилдагидек олиб борилаяпти, деб айта олмаймиз. Аксарияти кўпроқ сурат ва табриклардангина иборат. Айрим деворий газеталарнинг қачон чиқарилгани аниқ кўрсатилмайди. Мақола, хабарлар умумий ва юзаки.

Ўқувчиларни маърифатли қилиб тарбиялаш, уларнинг билими ва ижодкорлик қобилиятини шакллантириш мақсадида бизнинг жамоамизда янгиликлардан фойдаланиш маданияти, деворий газеталарни мазмунли тайёрлаш кўникмаси шаклланиб бораётган, деб айта оламиз. Мақтабимизда 50га яқин деворий газета чиқади. «Ўқувчилар овози», «Ma'rifat», «Ёш куч», «Ниҳол» мақтабимизнинг асосий деворий газеталаридир. «Аёло ўқиш ва намунали хулқ учун» газетаси эса, улар илҳам етакчи. Деворий газетада мактаб ҳаётини тўла қамраб

олишга ҳаракат қилиб, фаол ўқувчилар ҳақида мақолалар, турли янгиликлар, ижодий намуналар мунтазам бериб борилади. «Сатир ва юмор» бўлимида эса, билим даргоҳидаги муаммолар, ўқувчилар хулқ-атвори, ўқишидаги камчиликлар танқид қилинади.

Ўқув йили давомида шахримиздаги бир қанча илм масканларида бўлиб, деворий газеталар тахририятлари аъзолари билан танишдик, ижодий суҳбатлар ўтказиб, таҳриба алмашдик.

Деворий газета, аслида, ўқитувчи ва ўқувчи минбери, уларни ижодий мулоқотга чорловчи бир воситадир. Тўғри, бугун компьютер, интернет, қўл телефони оммалашиб, деворий газеталарга эҳтиёж бирмунча камайди. Шунга қарамадан, ҳар бир ўқитувчи, айниқса, тил ва адабиётдан таълим берувчи муаллимлар, директор ўринбосарлари, мактаб психологлари озгина ҳафсала қилиб, ўқувчиларни деворий газеталар ишига қизиқтирсалар, замонавий техника воситалари билан боғлиқ муаммолар камроқ юзага келармиди...

Наргиза ОЛИМОВА,  
Жиззах шаҳридаги  
1-мактаб директорининг  
маънавий-маърифий  
ишлар бўйича ўринбосари

ҲАЗИЛОМУЗ  
ҲИКМАТЛАР

Омадли одамни дарёга итқитсанг, оғзида балиқ тийлаб чиқади.

\*\*\*

Ҳалабанинг отаси сонсиз-саноксиз, мағлубият эса ҳаммаша етимдир.

\*\*\*

Архимед дунёга машҳур бўлиши учун Искандар каби урушлар қилмаган.

\*\*\*

Озга қаноат қилган ошқозон кўп оқибатлардан озод бўлади.

\*\*\*

Дўстни алдагандан кўра унга алданган маъқул.

\*\*\*

Чироқ кўтарган одам кўп қоқилади. Унинг орқасидагилар эса равон юрадилар.

\*\*\*

Беҳисоб мол-дунё — беҳисоб ғам демакдир.

\*\*\*

Кунгабоқар гардиши донга тўлиб, мой битгач, қуёшга қиё боқмай қўярсан.

\*\*\*

Ҳақиқатдан чекиниш — ёлғонга хизмат қилишдир.

\*\*\*

Тўғри юрмайдиган соатнинг ҳам қулоғи бузрак бўлилади.

\*\*\*

Фикрлар бургага ўхшаб одамдан одамга сакраб ўтаверади. Лекин ҳаммани ҳам «чақавермайди».

\*\*\*

Бир кўришда севиб қолиш анча вақт ва маблағни «иқтисод» қилади.

\*\*\*

Педагогиканинг ёзилмаган қонуни: инсондаги илм ва маънавий-ахлоқий тарбия чамбарчас боглиқ. Илми йўқнинг ахлоқи ҳам пастдир.

Раҳимқул ҚУРБОНОВ,  
Тошкент кимё-технологиялар  
институтининг «Физика ва  
электротехника кафедраси»  
етақчи доценти  
Саҳифани Соҳиба МУЛЛАЕВА  
тайёрлади.



Аваллари инсон қалбидаги нозик кечинмаларни акс эттирган ва муаллифдан энг камида савод талаб қилган хатлар бугунга келиб ҳарфлар, сўзлар, тиниш белгиларидан иборат қисқа ва ҳиссиз хабарларга айланмоқда. Айниқса, англикка ўч ёшлар орасида SMS-хабарларни иложи борича қисқартириш, янги сўз ва ибораларни «кашф қилиш», тил меъёрларини «оёқ ости қилиш» анъанаси авж олмоқда. Буларнинг барчаси интернет ва мобил телефонлар тўғрисида ҳаётимизда содир бўлаётган салбий ўзгаришлардир.

### ЯНГИЧА СЎЗЛАШИШ УСЛУБИ

Интернет пайдо бўлиши билан ёшларнинг аксарият қисми чатлар(ингл. «чат» — сафсата)га муккасида кетди ва умуман нотаниш одамлар билан соатлаб гаплашиш, хабар алмашиш имконияти туғилди. Бунинг учун алоҳида сабаб ёки мавзу шарт эмас, техник қурилма ҳамда тармоққа уланишнинг ўзи етарли. Ёшларнинг интернетдаги сўзлашуви услуби машҳур фильм қаҳрамонларининг иборалари, телевидение бошловчилари, эстрада хонандалари нутқи, компьютер жарғони ҳамда чет тилларидан озуқа олади. Айни пайтда глобал тармоқ фойдаланувчилари орасида турли тилларни аралаштириш урфга кирган: «Мани подводить кидли», ёки «Пессимистлашиб кетяпсан сўнгги время» каби. Замонавий виртуал суҳбатлар «қандай хоҳласанг, шундай гаплаш» тамойилига асосланган. Ўз тенгдошига хабар йўллаётган ўсмир ўртоқлари уни «замондан ортда қолганликда» айбламаслиги учун ҳам имло қоидаларига амал қилмаслиги табиий.

Ижтимоий тармоқлар билан бирга ҳаётимизга тўғридан-тўғри хорижий тиллардан ўзлашган копи-паст (бирор жойдан айнан кўчириб олинган матн), ЛОЛ (ингл. lol — «Laughing out loud» — баланд овозда кулмоқ), блок (фойдаланувчига чеклов қўйиш), пост (форум ёки блогда қолдирилган хабар), аватарка (ингл. avatar — фойдаланувчининг ижтимоий тармоқ, форум ёки блогдаги киёфасини акс эттирувчи сурат) каби сўзлар кириб келмоқда.

МОФК (менинг ожиз фикримга кўра), ТКБТ (туғилган кунингиз билан табриклайман) каби қисқартмалар, «табриклеяшнз» (инглизча «congratulations» сўзига тақлид), омадс (инглизча «lucks» сўзига тақлид) каби «омухта» сўзлар бугун твиттер, фэйсбук каби ижтимоий тармоқларнинг «қанотли ибора»ларига айланган.

Айтиш керакики, хорижда бу каби қисқартмаларнинг сони бир неча юздан ошиқ ва уларнинг баъзилари ҳатто Оксфорд луғатида ҳам киритилган.

### ҚИСКА, ТЕЗКОР ВА... ХАВФЛИ

SMS (инглизча Short Message Service) — қисқа хабарлар хизматининг афзаллиги шундаки, унинг воситасида сиз муҳим йиғилиш ёки мажлисда ўтириб ҳам дўстингизни кечки овқатга тақлиф қилиш имкониятига эгасиз.

Cellular Telecommunications Industry Association (CTIA) ҳисоботига кўра, дунёдаги мобил телефон фойдаланувчиларининг тахминан 40 фоизи қисқа хабарлар хизматидан фойдаланади. Британиянинг ўзида ўнлаб миқдорларга «SMS-қарамлиги» дея ташхис қўйилган. Шифокор Прайори Марк Коллинзнинг айтишича, унинг кузатувидаги одамлар

миқдорида жарима белгиланган.

Бу чора Форт Ли шаҳарчасида содир бўлган кўнгилсиз воқеалар тўғрисида SMS ишқибозларининг эҳтиётсизлигини ўйлаб қўлланган. Маҳаллий полиция вакиллари сўзларига қараганда, асосий айбдорлар ҳайдовчилар эмас, балки, йўлни кесиб ўтаётган вақтда плеерларида мусиқатинглаётган ёки SMS ёзиш билан овора бўлиб, оёқ остига қарашни унутган йўловчилардир.

Кимгадир бу гаплар беркорчи одамнинг «пашшадан фил яшаш» бўлиб кўринар, аммо руҳшунослар қисқа матнчада ёрдамда мулоқот қилиш яхши оқибатларга олиб келмаслигини айтишмоқда. Бу кетишида инсон суҳбатдошининг кўзларига

сигналининг жаранг сочиши ёки телефон вибрациясини мунтазам ҳис қилиш — руҳий хасталикнинг дастлабки белгилари холос. Матнга муккасида кетиш ҳолати SMS-хабар олмаётган ёки уларни жўнатиш имкониятидан маҳрум бўлган ўсмирдаги безовталик билан изоҳланади. Бундай болалар кўп ҳолларда яқинларининг эътибори ва меҳр-муҳаббатини улардан келаётган хабарлар билан ўлчайди. Сир эмаски, йўлда, транспорт воситаларида ва ҳатто дарсда ҳам аксарият ўсмирлар ўз телефонлари билан машғул бўлишади. Мобил телефонга муккасида кетиш оқибатида бarmoқлар ва билалар шикастланиши мумкин. Мазкур «касаллик» фанди RSI — Repetitive Strain Injury, яъни такрор ҳаракат-

### Mulohaza



Жеймс Тикеттнинг фикрича, одамлар жонли мулоқотга қизиқмай қўйишган. Юзма-юз ёки телефон орқали суҳбатлашишга улар деярли эҳтиёж сезишмаяпти.

Одамларни бир-бирдан узоклаштираётган ва телефон экранидagi матнга михлаб қўяётган яна бир омил — смартфон эгалари сонининг кўпайишидир. Британия катта ёшли аҳолисининг асосий қисми бугун «ақлли» телефонлардан фойдаланмоқда. Тадқиқот натижаларига кўра, смартфон эгаларининг ярми ижтимоий тармоқлар ҳамда электрон почта орқали мулоқот қилишни афзал билишади.

Британиялик психолог Гленн Уилсон ўз тадқиқотлари давомида фақуллода қизик ва бир қарашда ақл бовар қилмас хулосага келди — SMS ақлнинг заифлашишига сабаб бўларкан. «Матли хабарлар ёрдамида доимий мулоқот қилиш салоҳият кўрсаткичи(IQ)ни бир неча баробар пасайтириб юборади», дея огоҳлантиради Уилсон.

«PrinSeSa MaLeNkAyA vEdMa: Qanaqa tanw yana? Muwugm da4ada qob ketyu bir 6zi iw qlb bowqa yovoyi muwula b.n urwb qomagan b.snde yana 2marta 6zi urwb jarohatlangandi.oqat qvotganmda yonmga kevolardi boru 6gwt berwmi kutb da4aniyam sog'ndm».

Замонавий «ёзишмалар» тилидан беҳабар одамлар юқоридаги «изҳор»дан хайратга тушиши табиий. Тушунтирамиз: ёшларимизнинг асосий қисми хабарларни лотин алифбосида ёзади. Турган гапки, улар бу борада ўзларига баъзи бир қулайликларни яратиб олишган, масалан, «SH» ҳарфини — «W», «CH» ҳарфини — «4», «O» ҳарфини — «6» шаклида ёзиш ва ҳ.к.

Тўғри, бу усул қайсидир маънода вақтнинг тежалишига хизмат қилар, аммо SMS керакли манзилга етиб борадиган аллақандай сониялар ичида она тилига бўлган ҳурматсизликнинг юз бериши аянчли. Шахс ва жой номларини катта ҳарф билан ёзиш, гап сўнгига тиниш белгиларини қўйишда эринаётган ёшларимиз эртага Ватан олдидаги бурчини адо этишга ўзларида куч топа олишармикан?

Висола ҚАРШИБОВА,  
«Ma'rifat» муҳбири

# ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ, SMS!!! ёхуд эринчоқ ёшларнинг эртаси қандай бўлади?



қунига етти соатлаб SMS ёзишиши мумкин экан!

— SMSга муккасида кетиш — чиндан ҳам ўта жиддий касалликлар сирасига қиради. У инсоннинг ақлий қобилиятларига салбий таъсир кўрсатиш билан бирга, молиявий жиҳатдан ҳам зарарли, — дейди олмон руҳшуноси Андреас Хертер. Унинг таъкидлашича, Германиядаги 380 минг нафардан кўпроқ одам SMS хасталигига чалинган. Хертернинг миқдорлари орасида ўзаро фақат қисқа хабарлар воситасида мулоқот қилган эр-хотин бор эди. Ажабланирлиси, улар ошхонада, рўпарама-рўпара ўтириб ҳам бир-бирига хабар йўллаган экан!

Ахвол шу даражага бориб етганки, АҚШнинг Форт Ли (Нью-Жерси штати) шаҳрида йўлнинг қатнов қисмида SMS ёзаётган йўловчилар учун 85 доллар

қараб, унинг қалбидаги ҳиссиётларни англаш кўнмакисини батамом унутгани ва сўзларнинг маъносини англамаслик даражасига етиши мумкин.

### ФАЙРИОДДИЙ ТАШХИС

Мельбурн технология университети олимлари (Австралия) SMS-хабарлар орқали мулоқот қилишга иштиёқманд ўсмирларни кўрикдан ўтказиб, уларда руҳий муаммолар борлигини аниқлашди. SMS ишқибозларида безовталик, ишонсизлик ва ўзига паст баҳо бериш каби салбий ҳолатлар кузатилди. Тадқиқот раҳбари, шифокор Женни Кэрролл уларни умумийлаштириб матнга қарамлик, матндан шикастланиш ва матнни суиистеъмол қилиш каби гуруҳларга ажратган.

Баъзан телефонга янги хабар келмаган бўлса ҳам, қулоқлари остида «эсэмэс»

лардан шикастланиш деб юритилади. Тиббиёт ходимларининг айтишича, ушбу хасталикка ҳар йили 4 миллионга яқин одам дучор бўлади. Сўнгги 5 йил ичида «бемор»лар сони 38 фоизга ошган. Тасаввур қилинг, агар қунига 60та сўздан иборат 10та хабар юборилган тақдирда ҳам, бarmoқлар билан телефон тугмаларини 600 маротаба босишга тўғри келади.

Рухшуносларнинг таъкидлашича, айтарли мазмун-моҳияти бўлмаган сон-саноксиз SMS-хабарларини йўллашдан мақсад, шунчаки кайфиятни кўтариш, эътиборни жалб қилишдан иборат.

### У АҚЛДАН ОЗДИРАДИ(МИ)?

Тахлиллар билан шуғулланувчи «Nielsen» компанияси ўтказган тадқиқотдан маълум бўлишича, океанортилик ўсмирга бир ойда 3339та хабар тўғри келади. 18—24 ёш оралиғидаги одамлар бир ойда 1630тагача SMS йўллайди, яъни бу ҳар соатда 3та SMS дегани. Ёши улғайиб боргани сайин одамлар бир-бирига хабар йўллашга камроқ эҳтиёж сезиши, табиий ҳол. Зеро, кекса бобо-бувиларимиз аксарият ҳолларда мобил телефондан умуман фойдаланмаслиқни афзал билишади.

2012 йилнинг иккинчи чорагидан SMS мавзуси ҳар доимгидан ҳам долзарброқ аҳамият касб этди. Британия телевидение, радио, алоқа ва симсиз коммуникация хизматларини назорат қилиш қўмитаси раҳбари



## ЕНГИЛ СТРЕСС ХАМ ХАВФЛИ

Британиялик психотерапевт мутахассислар эътиборни жалб этмайдиган минимал даражадаги стресс ҳам инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини таъкидлашмоқда. Айни кунда эса ер аҳолисининг чорак қисми хавотирланиш ва депрессиянинг минимал белгиларига эга, деб ёзади «Британия тиббий наشري» («British Medical Journal»).

Лондон университети коллежи ва Эдинбург университети олимлари 35 ва ундан катта ёшдаги 68 минг нафар одамнинг тиббий кўрсаткичларини таҳлил этишган. Жараёнда психологик стресснинг ўлимга олиб қилиш хавфи ўрганилган. Психологик босим «белгилари йўқ» кўрсаткичидан «огир белгилар»гача тартибда баҳоланган.

— Биз психологик тушунлиқ кўп ҳолларда нохуш вазиятга олиб қилиши ва у қанчалик юқори бўлса, хавф ҳам шунча ортинини аниқладик, — дейди мутахассислар. — Ҳаттоки енгил стресс остида бўлган одам ҳам хавфдан четда қолмас экан. Одатда одамлар бундай вазиятда белгиларга эътибор қаратмайди, психологга ҳам мурожаат этмайди.

Стресс ва ўлим ҳолати ўртасидаги хавф тана вазни, ҳаёт тарзи, чекиш, спиртли ичимликларни истеъмол қилиш ва қанд қанчилиги каби қатор омилларга кузатишган. Ўлим ҳолати сони эса кўп ичган ёки чекканларда эмас, балки стрессни бошидан кўп ўтказган одамлар орасида юқори бўлар экан. Мутахассисларнинг фикрича, вазиятни яхшилаш мақсадида енгил стрессга ёки тушунлиқ ҳолатига қарши воситаларни ишлаб чиқариш лозим.



## АСПИРИН — САРАТОНГА ҚАРШИ ВОСИТА(МИ?)

Америкалик онкологлар аспиринни ҳар кун истеъмол қилиш саратон хасталиги сабаб бевақт кўз юмиш ҳолатларининг камайишига олиб қилишини аниқлашди. Изланиш Америка онкология жамияти мутахассиси Эрик Жейкобс раҳбарлигида ўтказилди, дейилади «ФизОрг» манбасида.

Олимлар гуруҳи саратон билан касалланишда парҳезнинг таъсири бўйича ўтказилган изланишда иштирок этган 100 мингдан ортик америкаликларнинг тиббий маълумотномаларини таҳлил қилган.

Маълум бўлишича, жараёнда ҳар кун аспирин истеъмол қилган эркаклар орасида ўлим ҳолати ҳар 100 минг одамдан 493тани ташкил этди. Ушбу дори воситасини истеъмол қилмаганлар орасида эса мазкур кўрсаткич 596тани ташкил этган. Аёллар ўртасида эса худди шу дорини қабул қилганлар ичида ҳар 100 минг аҳолида 295, истеъмол қилмаганлар ўртасида — 337та ўлим ҳолати қайд этилди. Айни пайтда ўлим ҳолати кўрсаткичи аспиринни 5 йилдан кам ёки кўп қабул қилганлар билан деярли фарқ қилмаган. Шунга қарамай, Э.Жейкобс хасталарга саратон профилактикаси учун ҳар кун аспирин қабул қилишни буюриш ҳали эрта эканини, лекин изланиш натижалари доридан фойдаланишнинг клиник кўрсатмалар беришда қўлланадиганини таъкидлайди.



Наргиза РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.



АҚШнинг Техас штатида жойлашган Техас Эй-энд-Эм университети стадиони яқинидаги биноларнинг бирига беркиниб олиб, одамларга қарата ўт очган ва уч нафар инсон ҳаётига зомин бўлган номаълум шахс воқеа жойига етиб келган полиция ходимлари томонидан яраланиб, шифохонада вафот этган.

Германиянинг дунё бозоридagi иккиламчи сугурта хизматлари бўйича энг йирик «Мюнх Р» («Munich Re») компанияси умумий қуввати 102 мегаватт бўлган Буюк Британиядаги учта шавол электр станцияларини харид қилиб, экологик соф ва қайта тикланадиган энергияни ҳосил қилиш учун 3 миллиард доллар маблаг ажратишини маълум қилди.

Жорий йил Испанияда ёз ўта куруқ ва иссиқ келгани боис мамлакат жануби-шарқидagi 600 гектар ўрмон майдонида келиб чиққан ёнғинни бартараф этиш ишларида иштирок этган 200 нафар маҳаллий ўт ўчирувчилар ва ўрмончилик хўжалиги ходимларидан икки нафари жароҳат олган, яна икки киши ҳалок бўлган.

## А.Авлоний номидаги Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти педагог ходимлар вакант лавозимларига танлов ҳақида Э Ё Л О Н

А.Авлоний номидаги Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги 20 - сонли қарори билан тасдиқлан-

ган «Олий таълим муассасаларига педагог ходимларини танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида НИ-ЗОН» асосида куйидаги вакант лавозимларга танлов эълон қилади:

1. Педагогика ва психология кафедраси: кафедра мудир — 1 киши, профессор — 1 киши, доцент — 1 киши, катта ўқитувчи — 1 киши.
2. Таълим муассасаларини бошқариш кафедраси: кафедра мудир — 1 киши, доцент — 1 киши, катта ўқитувчи — 1 киши.

3. Иқтисодиёт ва ҳуқуқий билим асослари кафедраси: кафедра мудир — 1 киши, профессор — 1 киши, доцент — 1 киши, катта ўқитувчи — 2 киши.
4. Жисмоний тарбия ва мактабдан ташқари таълим ва амалий фанлар кафедраси: профессор — 1 киши, доцент — 1 киши, катта ўқитувчи — 1 киши.

5. Махсус таълим кафедраси: кафедра мудир — 1 киши, профессор — 1 киши.
6. Миллий ғоя ва маънавият асослари кафедраси: профессор — 2 киши, доцент — 2 киши, катта ўқитувчи — 1 киши.
7. Умумтаълим фанлари ва педагогик технологиялар кафедраси: кафедра мудир — 1 киши, профессор — 1 киши, доцент — 3 киши, катта ўқитувчи — 1 киши.

Кафедра мудир лавозими учун танловда фан доктори, фан номзоди илмий даражасига, шунингдек, профессор ёки доцент илмий унвонига эга бўлган шахслар қатнашиши мумкин.

Тиллар, жисмоний тарбия ва спорт, графика ва чизмачилик, маданият ва санъат йўналишлари кафедра мудирлари лавозими учун танловда доцент илмий унвонига (фан номзоди илмий даражасига) эга бўлмаган, бироқ камида 5 йиллик методик, илмий-педагогик, ижодий ва ташкилий фаолият тажрибасига эга бўлган шахслар қатнашиши мумкин.

Профессор лавозими учун танловда, қоидага кўра, профессор илмий унвонига ёки фан доктори илмий даражасига эга бўлган шахс қатнашиши мумкин.

Шунингдек, профессор лавозими учун танловда камида 5 йиллик илмий-педагогик иш стажига эга бўлган, мазкур кафедранинг таълим йўналишлари бўйича дарсликлар ва ўқув қўлланмалари муаллифи бўлган, фан номзоди илмий даражасига ёки доцент илмий унвонига эга бўлган шахс бир муддатга қатнашиши мумкин.

Танловда иштирок этишни истаганлар А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ ректори номига ариза ёзадилар ва куйидаги ҳужжатларни илова қиладилар: яшаш жойи кўрсатилган паспорт нусхаси, кадрларни қайд қилиш шахсий варақаси ва олий маълумоти ҳақидаги диплом нусхаси.

Танловда иштирок этиш ҳақидаги ариза эълон чиққан кундан бир ой муддатдан кечикмасдан топширилиши керак, маълумотлар учун куйидаги телефонларга мурожаат қилишингиз мумкин: 246-06-67, 246-97-03, 246-06-55.

А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтининг манзили: Тошкент ш., Олмасор тумани, Зиё кўчаси, 6-уй.

Доцент лавозими учун танловда, қоидага кўра, тегишли мутахассислик бўйича доцент, катта илмий ходим илмий унвонига ёки фан доктори (номзоди) илмий даражасига эга бўлган шахс қатнашиши мумкин.

Бир муддатга доцент лавозимини эгаллаш учун танловда, шунингдек, тегишли илмий унвонга ва илмий даражага эга бўлмаган, бироқ ушбу мутахассислик бўйича камида 3 йиллик амалий иш тажрибасига эга бўлган, мазкур кафедранинг таълим йўналишлари бўйича дарсликлар ва ўқув қўлланмалари муаллифи бўлган юқори малакали мутахассис ҳам қатнашиши мумкин.

Катта ўқитувчи лавозимини эгаллаш учун танловда олий маълумотга эга бўлган шахс (магистр, дипломли мутахассис), шунингдек, илмий даража ва илмий унвонга эга бўлган ҳамда бундай даража ва унвонга эга бўлмаган, бироқ ўқитувчилик, илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш ишлари тажрибасига эга бўлган шахслар ҳам қатнашиши мумкин.

Қатнашувчиларда илмий даража, илмий унвон, шунингдек, илмий ишлар ва ихтиролар мавжуд бўлган тақдирда улар тегишли дипломлар, аттестатлар нусхаларини ва илмий ишлар рўйхатини, малака ошириш тўғрисидаги гувоҳномаларни тақдим этишлари керак.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги раҳбарияти ва жамоаси вазирлиқнинг меҳнат фахрийси

Усмонали МУСАЕВнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига ҳамдардик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги раҳбарияти ва жамоаси вазирлик тасарруфидagi Республика муסיқа ва санъат академик лицейи директори Зулфихор Холмирзаевга падари бузруквори

ЖўРА ОТАнинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилади.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети маъмурияти ва Касаба уюшма қўмитаси Қимматбаҳо ва рангли металллар бўйича муҳандиси Каримжон Худойбергановга онаси

ҲАНИФА АЯнинг вафоти муносабати билан таъзия билдиради.



## Китоб — мароқли суҳбатдош

Табиат инсонга ато этган "ижод" дея аталувчи неъматдан не-не мўъжизалар яралмиш. Борлиқ бир ён-у, соф кўнгил иши ила вуждуга келган маънавий хазина бир ён. Узоқ тарихни кўйинг, яқин ўтмишимиз, замонамизда ҳам шундай нозик қалб соҳиблари яшаган ва умргузаронлик қилмоқдаки, уларнинг ижод йўли, фавқуллода талантидан ҳайратга тушасиз. Мароқли суҳбатидан эса дил яйрайди.

Яқинда "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида санъатшунос олима, таниқли продюсер ва публицист Ирода Абдулғазизнинг "Аржуманд" китоби чоп этилди. Муншаотга муаллифнинг заминимизда яшаб ижод этган ҳамда айни пайтда юртимиз маънавий хазинасини бойитиш йўлида самарали меҳнат қилаётган машхур муסיқашунос, хунарманд, хонандаю актёрлар ҳақидаги мақолалари ва улар билан суҳбатлари киритилган.

"Панжгоҳ", "Нигорхона", "Издихом", "Овоза" каби бўлимларга ажратилган "Аржуманд"дан ўрин олган мақола ва суҳбатлар ўзига хос ёндашуви, шахс "мен"ини очиб берувчи бетакрор усул ва воситалардан фойдаланилгани билан ажралиб туради. Муаллиф қахрамонининг ички дунёси, фақат унинг

ўзигагина хос хусусиятини ёритишда майда деталъ ва фактлардан усталик билан фойдаланади. Мисол учун, Ўзбекистон халқ артисти, "Буюк хизматлари учун" ордени соҳиби Юнус Ражабийнинг нафақат санъат арбоби, балки моҳир сўз устаси экани ҳақида ёзар экан, ушбу кичик эпизоддан фойдаланади: "Юнус Ражабий ҳовли тўридаги


сўрида санъаткорлар даврасида соз қилиб, хониш қилаётган эди. Тўйда хизмат қилиб юрган йигитлардан бири келиб, қўли кўксига ҳол сўрайди:

— Уста, чой-пойлар борми?

— Ҳа... ҳаммамиз чойпойлар қилиб ўтирибмиз, — дейди Ражабий, анчадан бери чой келтирилмаётганига ишора қилиб".

Ёки бўлмаса, Ўзбекистон халқ артисти Таваккал Қодиров ҳақидаги хотираларни олайлик:

"Оқшом дастурхон ёзилди. Комилжон Ота-



ниёзов жўшиб-тошиб куйлади. Таваккал Қодировнинг мавриди етганда эса Бобур ғазали билан айтиладиган "Кўрсатмағай"ни ўрта пардадан бошлади (тор дога созланган бўлиб, ўрта парда соль эди). Комилжон уста сергак тортиб, ҳофизга бир қараб олди, чунки ашула ўрта пардадан бошланса, катта авжи рега боради. Наҳот шоғирдбачча шу

пардани забт эта олса? Катorda ўтирган санъаткорлар ҳам бир-бирларига маъноли қараб қўйишди. Таваккал ашулани "паккасига келтириб ташлаб", "Самарқанд ушшоғи"га улади...

Ихро тугагач, мақтовга зикна Комилжон Отаниёзов жамоага юзланиб:

— Бу ҳофизингиз шу кунгача менга ғойибона шоғирд эди. Бугундан бошлаб, сизларнинг гувоҳлигингизда уни ҳақиқий шоғирдликка қабул қилдим,

— дея оқ фотиҳа берди".

Китобни ўқир экансиз, муаллиф

айтмоқчи "хослар" ҳақидаги ҳар бир мақола дилингизга равон кириб боради, воқеалар кўз олдингизда жонланиб, ўзингизни санъат ва маданият арбоблари даврасида ҳис этасиз.

Баъзида ҳаётда қандайдир идеаллар қидирамиз. Ибрат учун тарихий қахрамонлар кечмишини ўрганамиз-у, ёнгинамиздаги қалби уммон замондошларимизни пайкамаймиз. Ирода Абдулғазиз китобхонни ана ўшалар билан юзлаштиради. Муаллифнинг санъат соҳаси билимдони экани ҳар бир жумласи, сўзида сезилиб туради. Айниқса, истеймолда кўп ишлатилмайдиган, бироқ юракка яқин сўз ва иборалардан моҳирона фойдалангани публицист ижодига ўзгача мазмун бахш этган.

Санъатшунос олима китоб аввалида: "Турфа бу ишим туйфайли турфа кишига йўлиқдим. Олиму ориф, ҳофизу хорик — ҳулласи, қай бир фазли билан назарга тушган ёшу қари, эру аёл. Оламу Одамни тузатмоқ учун нимадир қилган, қилаётган хослар. Зотини билгим келди, авторидан маъни изладим уларнинг...", дея таъкидлайди. Дарҳақиқат, муаллиф санъат ва ижод олами ичра ахтарганини топди, шу билан бирга, бу битмас-туганмас хазинадан кенг китобхонлар оммасини ҳам баҳраманд этди, десак, муболаға бўлмас.

Ҳамза АБДУЛЛАЕВ

## Муваффақият калити қўлингизда


Сиз қандай инсонсиз? Орзуларингизга етишиш учун олдингизга қандай мақсадлар қўйгансиз, охири марта ўқиган китобингизнинг номини айти оласизми? Вақтдан унумли фойдаланишни биласизми?

Агар сизда шундай саволлар туғилса, «Академнашр»да Равшанбек Хонниёзнинг «Муваффақият мактаби» руқни остида чоп этилган бир нечта китобини олиб ўқишни тавсия этган бўлардик.

Биринчи китоб «Орзуларингиз ўғирланишига йўл қўйманг» деб номланиб, муаллиф бу асарда орзулар бизга қувонч ҳаля етишини, қанот бағишланишни ёзди.

«Ҳаёт — агар биз мақсадларга еришишни истасак — кураш ва муттасил юқорига

кўтарилишдир. Бу йўл равон эмас: тўсиқларга, ўнқир-чўнқирларга тўла. Ирода, сабр ва ғалабага ишонч туйфайли охир-оқибат бир кунни чўққига кўтариламиз. Қанчалик юқорига чиқсангиз, шунчалик гўзал манзаралар намоеён бўлаверали. Кўтарилишни бошланг ва ҳаракатингизни асло сусайтирманг. Кўпчилик йўлингизда кутиб турган хавф-хатарлардан огоҳлантиради. Улар сизни орқага қайтишга, мақсаддан воз кечишга ва ўзларининг ортидан юришга чорлайди. Айни ўша вақтда сиз қанчалик жасоратга эгалигингизни кўрсатишингиз ҳамда ҳаётингиздаги энг муҳим вазифа ҳали олдинда турганига амин бўлишингиз керак.



Одамлар ўзлари истаган нарсаларига ҳамиша ҳам эришолмаслигининг асосий сабаби, улар орзу қилиш ва кўпроқ нарсаларга эришиш ўрнига етишиш осон нарсаларигагина интилишлари, деб ёзди муаллиф.

Китобда ҳар бир инсон ўз ҳаётининг бош лойиҳаси экани, аниқ белгиланган мақсадлар муваффақиятга еришишда ёрдам бериши, орзулар воқеликка айланмагунча юқорига интилиш кераклиги, ҳеч қачон орзудан воз кечмаслик лозимлиги ҳақида сўз боради. Муаллифнинг фикрлари бир-биридан қизиқарли воқеа-ҳодисалар билан бойитилган.

Шарифа МАДРАХИМОВА

## Бошқарув ҳисоби

Профессор

Б.Ҳасанов, доцент А.Ҳошимов томонидан қайта нашрга тайёрланган «Бошқарув ҳисоби» дарслигида харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннарини калькуляция қилиш, ишлаб чиқариш зарарсизлигининг таҳлили, бюджетлаштириш, сегментлар бўйича ҳисоб ва ҳисобот каби бошқарув ҳисобининг замонавий йўналишлари ёритилган бўлиб, давлат таълим стандартлари асосидаги намунавий ўқув дастурига мувофиқ тайёрланган. Китобда ривожланган давлатларда қўлланилаётган ва БМТ томонидан тавсия этил-




ган бошқарув ҳисоби тамойиллари ҳамда ташкилий асосларидан кенг фойдаланилган.

«Бошқарув ҳисоби» дарслиги иқтисод йўналишидаги олий ўқув юр்தларининг ўқитувчилари, илмий-тадқиқотчи-

изланувчилари, магистрлари ва юқори босқич талабаларига мўлжалланган. Китобдан хўжалик юритувчи субъектларнинг бошқарув хизмати ходимлари ва мутахассислари ҳам фойдаланишлари мумкин.

А. МАЖИДОВ,  
Тошкент тўқимачилик ва  
енгил саноат институтининг  
«Бухгалтерия ҳисоби ва  
аудит» кафедраси mudiri



## Менежмент назарияси

Бозор муносабатлари шароитида олий таълим тизими мутахассисларини тайёрлашда ўз билим ва тажрибалари билан жаҳон андозаларига жавоб бера оладиган замонавий кадрларни тайёрлаш муҳим маса-

ўрганишда, иқтисодиётнинг барча тармоқларида малакали раҳбарларни тайёрлашда «Менежмент назарияси» фанининг ўрни катта. Раҳбар бошқарувда бош бўгин ҳисобланиб, корхонанинг ташкил этилиши,


иш самарадорлиги кўп җиҳатдан у эгаллаган билим, малака, тажрибага боғлиқ. Бу фан бошқарувнинг қонуният ва тамойиллари, функция ва вазифалари, шунингдек, бошқарув системасида менежернинг ўрни, маданияти ва услубини ўрганади. Дарсликнинг алоҳида жиҳати шундаки, ҳар бир пара-

Акрам ҲОШИМОВ,  
иқтисод фанлари  
доктори, профессор

## Қайта нашр қилинди

Тошкент кимё-технологиялари институти профессорлари Темиржон Отақузов, Садриддин Туробжоновнинг «Умумий кимёвий технология» ўқув қўлланмаси 2009 йили нашр қилиниб, «Йилнинг энг яхши дарслиги» танловига ғолиб чиққан эди. Китобнинг лотин алифбосидаги кенгайтирилган иккинчи наشري «Ворис» нашриётида чоп этилди.

Қўлланмада ишлаб чиқаришга кимёвий технологик тизим сифатида қаралган. Саноат маҳсулотлари, шу жумладан, нефть, газ конденсати, турли уг-



леводорудлар, полимерлар, ўғитлар, аммиак, кислоталар, сода ва бошқа бирикмалар технологиясига муфассал ўрин берилган. Кўпроқ энерготехнологик тизимлар ва мавжуд маҳаллий ресурслардан тўла фойдаланиш концепцияла-

ри, техника хавфсизлиги, диагностикаси ҳамда экологик муаммолар ҳам эътибордан четда қолмаган.

Китобнинг ушбу нашрида биокимёвий ишлаб чиқариш жараёни батафсил ифодасини топган бўлиб, қўлланмадан озиқ-овқат саноати учун тайёрланаётган барча илмий ходимлар фойдаланиши мумкин. Дарслик бўлғуси мутахассисларнинг микробиологик синтез орқали олинадиган озуқа маҳсулотлари технологияси ҳақидаги тушунчаларини кенгайтиради.

Хулқар ТУЙМАНОВА



# ЛОНДОНДА ЯНГРАГАН МАДҲИЯМИЗ

дунё аҳлига келажаги буюк давлат — Ўзбекистон  
борлигини яна бир бор эслатиб қўйди



(Давоми. Боши 1-бетда.)

Бошқа олимпиада ўйинларида бўлгани каби Лондонда кечган улкан спорт тадбирида ҳам мусобақалар дунё аҳлини бирлаштириш, давлатлар ўртасидаги дўстона муносабатни мустаҳкамлаш, салбий иллатларга биргаликда ечим топиш, умумбашарий тараққиёт ва фаровонлик учун муҳим бўлган тинчлик неъматининг аҳамияти нечоғлик беқиёс эканини яна бир қарра мадҳ этишдек муштарак гоёга йўналтирилди.

Курраи заминимиздаги 200дан зиёд мамлакатдан келган ўн икки ярим мингга яқин атлет голиб ва совриндорлар учун аталган 302та медаллар мажмуи учун курашга киришганди. Бугун улар ўз соҳибининг кўксидида кўёшининг бир парча шуъласи янглиғ ярқираб турибди. Музаффар спортчилар ўз юртларида минглаб мухлислар, ватандошлари кулшомида бахтиёрлик сурурини ҳис этмоқда.

Шукрки, Лондон шаҳрида ҳам она Ватанимизнинг жонаҳон мадҳияси янграб, миллионлаб юракларни қалқитди, кўзларда севинч ёшлари жилоланди! Байроғимиз баланд хилпираб, Марказий Осиёда келажак буюк давлат — Ўзбекистон борлигини олам аҳлига яна бир бор эслатиб қўйди.

Эркин кураш бўйича 120 килограмм вазн тоифасида дунёда тенги йўқ полвонимиз Артур Таймазов қаторасига учинчи бор олимпиада чемпионлигини қўлга киритди ва енгилмас олимпиадачилар қаторидан жой олди. Саралаш баҳсидан муваффақиятли ўтган спортчимиз чорак финалда ноқулай рақиб — эронлик Комил Қосимийга рўбарў келди. Қосимий ёш, галабага чанқоқ полвон, шу жиҳатдан уни енгиш учун Артурдаги кўп йиллик юксак маҳорат ва кучнинг ўзи камлик қиларди. Унга бироз омад ҳам керак эди.

Бунга илгалаган А.Таймазов юзага келган кичик имкониятдан ҳам унумли фойдаланиб, эронлик полвоннинг очко олишига йўл қўймади. Шу тариқа мураккаб синовдан ўтиб олган ҳамюртимиз ярим финалда АҚШлик спортчи Тервел Длагнев билан юзма-юз келди. Гарчи полвонимиздан бироз гавдалироқ бўлса-да, Таймазов америкалик полвонни жуда осонлик билан доғда қолдирди. Бу эса Ўзбекистон спорт делегацияси учун Лондондаги ё кумуш, ё олтин медал қўлга киритиладиган биринчи финал беллашуви эди. Ҳамма ҳаяжон ва интиқлик билан ҳал қилувчи баҳсни кутди. Ниҳоят, эркин кураш бўйича 120 кг. вазн тоифасида олимпиада чемпиони аниқланди. Енгилмас Артур грузиялик Давид Модзманашилини кумуш медал билан кифояланишга мажбур қилди. Бу галабининг баҳоси нечоғлик баланд эканини мухлислар жуда яхши билишади.

Шундан сўнг қулоққа ёқади хитоб янгради: «Артур Таймазов — уч қарра олимпиада чемпиони!». «Тилла полвон»нинг мазкур соврини эвазига юртимизнинг олимпиада ўйинларида қўлга киритган олтин медаллари сони 5тага етди...

Яна бир иқтидорли курашчимиз, Пекин олимпиадиси кумуш медали эгаси Сослан Тигиев ҳам ўз ҳисобига барибир медал ёзиб қўйди. У ярим финал учун кечган беллашувда имкониятни бой бергач, руҳини туширмади, йўл қўйган ҳатосидан қисқа вақт ичида тегишли ҳулоса чиқарди. Ўтиш турнирида дастлаб болгариялик Кирил Терзиевни, кейин венгриялик Габор Хатосни енгди ва бронза медалига сазовор бўлди.

Афсуски, умидли эркин курашчиларимиз Қурбон Қурбонов, Заурбек Сохиев ва Ихтиёр Наврўзовдан омад юз ўғирди. Улар мамлакатимиз газнасига қўшиши мумкин бўлган медаллар рақибларга «тортиқ» этилди.

Шунингдек, таэквондочиларимиз ҳам кутилган

натижаларни қайд этолмади. +80 килограмм вазн тоифасида баҳсга киришган Акмал Эргашев малик бўйдор рақиб Даба Модибо Кейтадан очко олиш учун камида учиши керак эди... Бу таблода қайд этилган йирик тафовут — 13:4 ҳисобида ҳам акс этди.

Таэквондо бўйича 67 килограмм вазн тоифасидаги хотин-қизлар ўртасида кечган мусобақада вакиламиз Наталия Маматова франциялик жаҳон чемпиони Анна-Каролин Граффга енгилди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон спорт делегацияси XXX ёзги олимпиада ўйинларида 1та олтин ва 3та бронза медал жамғариб, икки юздан ортиқ давлат орасида 47-ўринни эгаллади. Бу борада америкаликлар пешқадамлик қилди. Уларнинг ҳисобида 46та олтин, 29та кумуш ва 29та бронза, жами 104та медал мавжуд. Кучли учлини тўлдирган Хитой атлетлари 38та олтин, 27та кумуш ва 22та бронза тўплаган бўлса, илк марта Буюк Британия байроғи остида мусобақаларга киришган мезбонлар 29та олтин, 17та кумуш ва 19та бронза медалига эгалик қилди.

Олимпиада ўйинларининг ёпилиш маросими ажайиб концерт-шоусига айланди. Ундаги чуқур

фалсафий мушоҳада, бадиий фикр асосига қурилган юксак савияли сахна намоишлари, қўшиқлар томошабинларга фақат завқу шавқ бағишлагина қолмай, балки кеча, бугун ва келажак тўғрисида, башариятнинг истиқболи ҳақида теран фикр юритишга чорлади.

Дунёга машҳур «Muse», «Spice Girls», «Beady Eye» каби мусиқий гуруҳлар, танглики созанда Брайан Мэй ва бошқалар томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар, «The Who» гуруҳининг яқунловчи таронаси орқали мезбон юрт салоҳияти, халқи характери, санъати, одатлари, анъаналари, миллат қаҳрамонлари жаҳон бўйлаб тараннум қилинди.

Олимпиада учун махсус қурилган стадионда ўзига хос тарзда бунёд этилган мусобақалар машъаласи сўндирилди. Лондон шаҳри ҳокими Борис Жонсон олимпиада ўйинларининг рамзий байроғини навбатдаги мезбон шаҳар — Рио-де-Жанейро мэрига топширди. 2016 йили илк маротаба Бразилия тупроғида ўтказилиши белгиланган олимпиадада ҳамюртларимиз голиблик учун янада кўпроқ имкониятларга эга бўлишига ишонамиз. Зеро, халқимизни олдинда оламшумул зафарлар кутмоқда.

Соҳиджон ХОЛОВ



Богбоннинг меҳнати ниҳолларнинг эгилмасдан гуркираб яшнаши, сархил мевалар бериши билан баҳоланса, мураббийларнинг машаққати шогирдлар камалида акс этади. Ёш бўлишига қарамай, катта тажриба тўплаган мураббийлардан бири Ерқиной Жуманова Қашқадарё вилояти Шахрисабз тумани Чоршанба кўрғонидида жойлашган 1-ТИП болалар спорт мажмуасида ишлайди. Унинг шогирдлари ҳозирги кунда туманда, вилоятда ва ҳатто республикада ҳам юқори ўринларни эгаллашга муваффақ бўлишмоқда. Хусусан, шогирдларидан бири Азизбек Самадов Навоий вилоятида ўтказилган «Умид ниҳоллари-2012» спорт мусобақасида енгил атлетикадан 3 километрга югуриш бўйича 2-ўринни қўлга киритди. 60 нафардан ортиқ шогирд стол тенниси, шахмат, енгил атлетика ва футбол бўйича ташкил этилган бир қатор туман, вилоят, республика миқёсидаги беллашувларда қатнашиб, совринли ўринларни олаётди, савринли ўринларни олаётди, савринли ўринларни олаётди. Е.Жуманованинг савий-ҳаракатлари бесамар кетмаётганидан дарах беради, албатта.

Суратда: Ерқиной Жуманова «Умид ниҳоллари-2012»-да қатнашган шогирдлари билан.

Бурҳон РИЗО олган сурат.

## КИЧКИНТОЙЛАРНИНГ МУРОСАСИЗ БЕППАШУВИ

Норин туманида мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ўртасида ташкил этилган «Соғломжон-полвонжон» спорт мусобақаси жиддий баҳсларга бой бўлди. Унда голибликка даъвогар ўнча боғча жамоалари бор куч ва имкониятларини ишга солди.

Бу галги баҳсларда мутлақ голиблик барча шартларни маҳорат билан бажарган 11-мактабгача таълим муассасаси болажонларига насиб этди. Арқон тортиш, дарвозага тўп киритиш, «картошка» экиш каби мураккаб шартларни аъло бажаргани учун улар биринчи ўринга муносиб қўрилиб, вилоят босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. 29-МТМ тарбияланувчилари 2- ва 14-МТМнинг кичкинтой спортчилари 3-ўринни эгаллашди.

Тумандаги ҳар бир мактабгача таълим муассасасида болажонларни спортга жалб қилиш, уларнинг жисмонан бақувват, абжир ва чаққон бўлиб улғайиши диққат марказида туради. Бунинг учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Масалан, яқинда 115 нафар бола тарбияланаётган 3-мактабгача таълим муассасаси давлат ҳисобидан 40 миллион, ҳомийлар ҳисобидан 50 миллион сўм маблағ ажратилиб, замонавий талаблар даражасида таъмирланди ва спорт жиҳозлари билан ҳам таъминланди.

Машғулот хоналари ва ётоқхоналарнинг ром-даразалари янгиланди.

Эртақлар, спорт ва ўйин майдончалари ташкил қилинди ҳамда гулзор барпо этилди.

— Тарбияланувчиларимиз учун ҳамма қулайликлар яратилган. Ҳар бир гуруҳ хонаси ўзига хос, бир-бирини такрорламайдиган кўринишда жиҳозланган, — дейди муассаса мудираси Нарғиза Саримсоқова. — Муассасада барча машғулотлар «Болажон» дастури бўйича олиб борилмоқда 2та рус ва битта инглиз тили чуқур ўргатиладиган гуруҳлар очилди. Болажонларнинг иқтидори ва қизиқишларига қараб бошқа тўғарақлар ҳам фаолият юритапти.

Мактабгача таълим муассасаси бола учун комилликка илк қадам ташлайдиган маскан. Тумандаги мактабгача таълим муассасалари ходимлари буни яхши англаб, юртимизнинг эртаси соҳибларининг таълимнинг дастлабки босқичиданоқ билимдон ва зукко бўлиб улғайиши йўлида сидқидилдан меҳнат қилмоқда.

Ғанишер АҚБАРОВ,  
«Ma'rifat» муҳбири



# БОЛАЛАРГА БАЙРАМ ТУХФАСИ



Мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллиги арафасида пойтахтимиздаги 22-Меҳрибонлик уйи янгича қиёфа касб этди. Меҳрибонлик уйининг «Меҳр нури» жамғармаси томонидан капитал реконструкция қилинган замонавий биноси фойдаланишга топширилди.

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида олиб борилаётган кучли ижтимоий сиёсат жараёнида ҳар бир болага меҳр ва эътибор кўрсатилмоқда. Уларнинг ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб вояга етиши, таълим-тарбия олиши, ўз қизиқиши ва лаёқатига мос касб-ҳунар

эгаллаши учун зарур барча шароит ва имкониятлар яратилаётир.

«Меҳр нури» жамғармаси юртимизнинг турли ҳудудларида шифоналар, оилавий поликлиникалар, спорт мажмуалари, мактабларни капитал реконструкция қилишга муносиб ҳисса қўшмоқда.



Тошкент шаҳридаги 22-Меҳрибонлик уйининг биноси ҳам ана шундай хайрли ишлар натижасида замонавий қиёфа касб этди. Бинонинг муҳандислик-коммуникация, электр тармоқлари, иситиш-совутиш тизими тўлиқ янгиланди. Шинам ўқув хоналари, ахборот-ресурс маркази, компьютер синфлари, дам олиш ва тўғарак хоналари, ётоқхона ва ошхона замон талаблари асосида жиҳозланди. Қўшимча бино қад ростлаб, махсус синфхо-

налар, спорт мажмуаси, кийим ювиш хоналари бунёд этилди.

— Муассасамизда болаларнинг яшashi, таълим олиши учун зарур барча шароитлар яратилди, — дейди Меҳрибонлик уйи директори вазифасини бажарувчи Хурсаной Холова. — Бу болажонларимиз учун энг улуг, энг азиз байраимиз арафасида ажойиб совға бўлди.

Назокат УСМОНОВА,  
ЎЗА мухбири




Тошкент давлат иқтисодийёт университети иккинчи олий маълумот олиш учун қуйидаги йўналишлар бўйича ҳужжатлар қабул қилинаётганлигини

**ЭЪЛОН** қилади:

1. Касб таълими: иқтисодийёт.
2. Касб таълими: информатика ва ахборот технологиялари.
3. Иқтисодийёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича).
4. Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича).
5. Маркетинг (тармоқлар ва соҳалар бўйича).
6. Банк иши.
7. Солиқлар ва солиққа тортиш.
8. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича).
9. Статистика (тармоқлар ва соҳалар бўйича).
10. Меҳнат иқтисодийёти ва социологияси.
11. Информатика ва ахборот технологиялари (тармоқлар бўйича).
12. Хизматлар соҳаси (сервис).
13. Меҳмонхона ҳўжалигини ташкил этиш ва бошқариш.

Ҳужжатлар жорий йилнинг 20 августигача Чилонзор тумани, Олмазор кўчаси, 183-уйда университетнинг 2-ўқув биносида қабул қилинади.



## Ma'rifat

### TA'SIS ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim, fan va madaniyat xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir:  
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Madamin ARIPIJANOV, Jumanazar BEK-NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Farrux JABBOROV (bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Baxtiyor YOQUBOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari), "Uчитель Узбекистана", Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Uчитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta  
O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416



ИНДЕКС: 149. 150. Г-818.

Тираж 33220.

Ҳажми 4 босма табоқ.

Ofset usulida bosilgan, qog'oz bichimi A-3.

«Ma'rifat»-dan materiallarni ko'chirib boshish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga kelgan qo'yuvmalar taqir qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda erkin narxda

Dizaynerlar:  
Malohat TOSHOVA,  
Mamur AHLIDINOV.  
Navbatchi muharrir:  
Xayrulla ABDURAHMONOV.  
Navbatchi:  
Sherali NAMOZOV.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi boshmaxonasi.

Korxona manzili:  
«Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy

ЎЗА ақсини — 22.00  
Топширилди — 22.20